Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 5 апрель
СЕШАНБА
№ 77 (4.273).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

КЕЛАЖАКНИ ЯҚҚОЛ КЎРИШ КЕРАК

Самарқанд районидаги Максим Горький номли колхоз правлениеси раиси, КПСС XXVII съезди делегати Ҳабиб ШАРОПОВнинг мулоҳазалари

Жамиятни қайта қуриш ва ҳаётни бутамом янгилаш жараёнининг учинчи баҳорини эзгу ниятлар билан қаршиладик. Коммунистлар, барча боғбону соҳибкорларимиз дастлабки ижобий ўзгаришлардан астойдил қувонмоқдалар. Улар келажакка комил ишонч билан боқиб, 1988 йил планларини бажаришга эришиш учун белни маҳкам боғладилар.

Колхоз правлениеси ва партия комитети ишнинг муваффақиятини идеологик жиҳатдан таъминлаш, экономикани юксалтириш, барча тармоқларни жадал ривожлантиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширмоқдалар. Илғор иш усуллари, техника шарофати туфайли кейинги йилларда муайян ютуқларга эришдик. Хўжаликда фойдаланиладиган ер майдони 611 гектар. Шундан 325 гектарида узум ва сабзавот етиштирилади. Ўтган йилги натижалар анча салмоқли бўлди. Пландаги 7.090 тонна ўрнига 7.687 тонна сабзавот олинди. Гектар ҳосилдорлиги 355 центнерга кўтарилди. Нуриддин Шодиев, Насимбой Ҳасанов, Маъсуд Холиқов, Ҳотам Рофиев бошлиқ бригадалар арзон ва сифатли неъмат етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактабини яратдилар. Айни кунларда эртанги экинлар парвариши қизғин олиб борилаяпти.

Узумчиликда ҳам ижобий силжишга эришилди. Колхоз бўйича пландаги 990 тонна ўрнига 1.134 тонна узум, 123 тонна майиз топширдик. Иқтисодий кўрсаткичларга тўхталаётганимнинг сабаби бор. Ҳозир ҳамма — касби ким бўлишидан қатъий назар — сўмни сўмга уриштиришга, тежамкорликни кучайтиришга астойдил ҳаракат қилаяпти. Биз ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтганимизга кўп йиллар бўлди. Нафи беқиёс: аввало қўлимиз узун. Аниқроғи, колхозда социал, маданий-маиший объектлар қуриш, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга кенг имкониятлар очилди. Банкда пул сақлаганимиз учун маълум миқдорда қўшимча даромад олаяпмиз.

Меҳнатни ташкил этишнинг самарали усули — бригада ва оилавий пудрат муваффақиятларнинг бош омилидир. Унинг шарофати туфайли колхозчиларнинг топширилган иш учун масъулияти ортди, ижро интизоми мустаҳкамланди. Маҳсулот йил сайин кўпайиб, сарф-харажат қисқармоқда. Колхозчи ҳам, давлат ҳам катта наф кўраяпти. Ўн олти йил муқаддам шу колхоз правлениеси раислигига сайланганимда хўжаликнинг ялпи даромади 450 минг сўм эди. 1987 йилда 2 миллион 323 минг сўм даромад қилдик. Фойда 582 минг сўм бўлди. Ҳар бир колхозчининг ойлик маоши ўртача 150 сўмга тўғри келди.

Колхозда ҳар қарич ер ҳисобда. Фақат меҳнат унумдорлигини, ҳосилдорликни ошириш ҳисобигагина тараққиётга эришишимиз мумкин. Планлар бажарилаётган бўлса-да, ҳали барча имкониятдан унумли фойдаланаяпмиз, деб айтолмайман. Чунки шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондиролмаяпмиз. Айниқса баҳор ва қиш фаслларида тақчиллик сезилмоқда. Халқимиз дастурхони ҳамиша тўкин бўлиши керак. Шу ўринда олға томон боришимизга тўсқинлик қилаётган баъзи муаммолар хусусида тўхталмоқчиман. Плёнка остида эртанги сабзавот, кўкатлар етиштириш — шу куннинг долзарб вазифаси. Бунга эътиборни кучайтириб, катта майдонлар ажратаяпмиз. Бироқ фақат 10—15 гектар ердагина неъмат етиштиришга муваффақ бўлаяпмиз. Айтишга уялсан киши: плёнка тақчил. РАПО раҳбар ва мутахассисларига ялинавериб тоқатимиз тоқ бўлди.

Ез ойида дала маҳсулотларини иложи борича тезроқ вагонларга ортиш пайида бўламиз. Сабаби: махсус музхоналар йўқ. Қани энди улар бўлганида — маҳсулотнинг бир қисми қиш ва баҳор ойларига сақлаб қўйиларди. Ҳозир районда 5 минг тонна деҳончилик маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган холодильник қурилаяпти. Илига 200 минг тоннадан знёд ноз-неъмат етиштираётган районга бу нима бўлади! Сабзаваткорларимизнинг ўзларига камида 50—60 минг тонна сиғимли омборлар зарур.

Ҳамон исрофгарчилик катта. Мутахассисларнинг хомўтларига қараганда, район хўжаликларида ҳар йили йиғим-терим даврида ҳосилнинг 30—35 процентини нобуд бўлмоқда.

Ҳўш, нега шундай? Бунинг сабаблари кўп. Аввало яшиклар етишмайди. Шу боисдан долзарб дамларда йиғим-теримни тўхтатиб туришга мажбур бўламиз. Оқибатда ноз-неъматнинг маълум қисми ўта пишиб, эзилиб кетади. Ахир деҳқон қачонгача майда-чуйдалар деб сарсон бўлади?!

Умумиттифоқ фондига жўнатилиши лозим бўлган қанчадан-қанча қовун ва тарвузлар, олма, узумлар секцияли вагонлар ўз вақтида берилмаётганлиги сабабли пайкал четида, темир йўл станцияларида қолиб нобуд бўлаяпти.

Самарқанд шаҳридаги «Серп и Молот», «Партия XXV съезди» совхозининг консерва комбинатлари планларни ошириб бажараётган бўлса-да, улар фаолияти шу кун талабига асло жавоб бермайди. Негаки корхоналарнинг узлуксиз ишлаши таъминланмаётир. Арзимас сабаблар туфайли қайта ишлаш конвейерлари тўхтаб қолади. Бултур совхоз-завод помидор пасталари жойлаш учун тунука банкаларни Янгийўл, Ғазалкент, Андижон шаҳарларидан ташиб келтирди. Бу усулда ишни бир маромда ташкил этиб бўладими? Устига устак банкаларнинг бир қисми ортиш, тушириш ва ташишда яроқсиз бўлиб қолди. Эсиз ишчи кучи, сарф-харажат! Неча йиллардан буён корхонанинг ўзида идиш ясашни йўлга қўйиш ҳақида гапсўзлар бўлаяпти. Амалий ишдан эса дарак йўқ.

Иккинчи муаммо: биз кўпинча келажакни олдиндан кўриб оқилона иш юритишни ўргана олмаяпмиз. Фикримни қуйидаги мисол билан изоҳламоқчиман. Янгиариқ массивида жарликлар текисланиб, катта қийинчиликлар ҳисобига минг гектардан зиёд майдонда ажойиб боғ яратилди. Дарахтлар ўзини тутиб, бирин-кетин мевага кираяпти. Қарабсизки, икки йилда мева-чева ҳеч ерга сиғмай кетади. Лекин уни саранжомлаш, ташиш, асраш ҳақида етарли бош қотирилмаяпти.

Яна бир нарса деҳқонни диққат қилаяпти. Баъзида тракторларимизнинг (кўпчилик хўжаликларда ҳам шундай) тушлик маҳалда ҳам мотори гуриллаб ишлаб турганига дуч келамиз. Механизаторга эътироз билдирсангиз: «Нима қилай, аккумулятор йўқ, ўчирсам, юргизолмайман», — дейди. Шу ҳам иш бўлди-ю! Биргина эҳтиёт қисмнинг йўқлиги ёнилги исрофгарчилигига олиб келмоқда. Шундай хулоса қилиш мумкин: баъзи хўжаликларда қайта қуриш изчил амалга оширилаяпти. Коммунистлар, ориятли кишилар мўл-кўлчилик йилида ўзларини аямай меҳнат қилмоқдалар. Камчиликларга нисбатан муросасиз курашмоқдалар. Лекин баъзи колхоз ва совхозларда, ҳал қилувчи бўғинларда сўздан амалий ишга ўтилмаяпти.

Колхоз правлениеси, партия комитети буни ҳисобга олиб, тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантирмоқда. Мақсадга эришишда республика агросаноат комплекси ходимлари қурултойи материалларининг таъсири катта бўлаяпти. Анжуман минбаридан айтилган ҳаққоний сўзлар колхозчиларимизни енг шимариб, астойдил ишлашга даъват этди.

Айниқса докладдаги: «Ер — бизнинг асосий бойлигимиз, хазинамиз, ҳаётимиз манбаи. Уни кўз қорачиғидек асрашимиз, унумдорлигини оширишимиз, ҳар қаричидан самарали фойдаланмоғимиз зарур. Ерга ҳурматсизлик —онага ҳурматсизлик дегани. Уни қадрламаган одамнинг боғи кўкармайди, бири икки бўлмайди» деган сатрлар қалбимизда чуқур жой олди. Бир гуруҳ илғор бригада бошлиқлари ердан, техникадан унумли фойдаланиб, бу йил янада мўл, арзон ва сифатли маҳсулот етиштириш юзасидан ҳамкасбларини социалистик мусобақага чақирдилар. Хайрли ҳаракат район бўйлаб кенг оммалашаяпти.

Қайта қуриш иши ҳар бир кишидан ҳалол бўлишни, жонбозлик, ташаббускорлик кўрсатишни талаб этади. Кейинги вақтларда кўпгина билимдон, эътиқодли, ташкилотчи кишилар масъул лавозимларга қўйилдилар. Уларнинг кўпчилиги ўз садоқатларини амалда намойиш этишаяпти. Бироқ ҳамон эскичасига иш юритаётган, ниманидир кутаётган лаёқатсиз кадрлар ҳам йўқ эмас. Бу раҳбарларни танлаш, жой-жойига қўйишда анкета асосида иш олиб борилаётганлиги оқибати. Шу боисдан партия одамларга яқинроқ бўлиш, уларнинг орзу-интилишларини чуқур билиш, хайрли ҳаракатларни вақтида илгаб, кенг оммалаштириш раҳбарлар, партия комитетларининг муҳим иши эканлигини алоҳида таъкидлаяпти. Шубҳасиз, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида ҳам бу ҳақда қизғин гап боради.

Республика агросаноат комплекси ходимлари қурултойида таъкидланганидек, биз ғоят мураккаб ва масъулиятли имтиҳон арафасида турибмиз. Ишимизга бериладиган баҳо, Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори, шон-шуҳрати кўп жиҳатдан агросаноат комплексидаги аҳволни қай даражада тузатишимизга боғлиқ. Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ, фурсат ғанимат. Ундан унумли фойдаланиш, ҳар дақиқанинг қадрига етиш зарур!

Яйлов тўла қўй-қўзи

Кенгсой кенгликларида

Жиззах области хўжаликларида 620 та отарда 310 минг бошдан зиёд совлиқ боқилади. Шу кунларда кўклamги қўзилатиш мавсуми қизғин давом этмоқда. Ҳикоямиз Фориш районидаги Киров номли наслчилик заводи чорвадорлари ҳақида.

Тоғ ёнбағирларидаги кўм-кўк майсазорда сурув-сурув қўйлар сузиб юрган қора булутларни эслатади. Синчиклаб қаралса, қўйлар орасида қўзичоқларни илғаб олиш мумкин. Бош чўпон Мўмин Раҳимов қўлини пешонасига айвон қилиди-да, сўнгра ўғлини чақирди.

— Суюн, Абдухолиқни топиб кел. Қўзичоқларни мотоцикл аравачасига солиб олинглар, қўйлар эса кўрага ўзи бораверади.

Моторнинг гувуллаган овози эшитилди, мотоцикл отар томон елдек учиб кетди. Завод бош ветврачи Абдуғани Алибеков шундай изоҳ берди:

— Қўзилар кўпинча яйловда кўз очади. Чўпонлар уларни кунига бир неча марта йиғиб чиқишади. Ахир, мурғак жониворларга кўз-қулоқ бўлиш керак-да. Совлиқ ўз боласидан юз ўгирган ҳоллар ҳам бўлиб туради. Бундай пайтларда чўпонлар қўзичоқларни ўзлари овқатлантиришади. Айни пайтда совлиқни ҳам кўздан қочирмаслик лозим.

— Отарга йиртқич ҳайвонлар ҳам ҳужум қилиб туради, — дейди Мўмин ака. — Тўғри бу йил унча эмас, лекин чиябўрилар сурув ёнида ўралашиб қолишди: иккита қўзичоқни бўғизлаб кетишди. Шунинг учун отар ёнида бир киши ҳозиру нозир.

Қўйчивонлар оилавий пудрат асосида ишлайдилар. Наслчилик заводи маъмурияти билан шартнома тузилган. Чўпонлар ҳар бир қўйдан биттадан қўзи олишга аҳд қилишган. 759 та қўзидан 487 таси бошқа хўжаликларга сотиш учун махсус боқилади. 281 та қўзи қоракўл тери учун сўйилади. Чўпонлар қўзичоқларни асраганн ва биринчи сорт қоракўл териси топширилганлиги учун маълум миқдорда қўзи билан мукофотланишади. Топширилган жунга ҳам ҳақ тўланади. Хуллас, тахминий хомўтларга кўра уларнинг ойлик маоши етти юз сўмгача етади.

Шу орада Суюн ҳам етиб келди. Мотоцикл аравачасида еттита қоп-қора қўзичоқ кўриниб турарди.

— Тўрттаси ургочи, — деди Суюн.

— Дафтарни олиб кел, якун чиқарайлик, — деди отаси.

Бу дафтарни чўпонлар ҳазил аралаш уй китоби дейишади. Унга ҳамма маълумотлар: қачон нечта қўзичоқ туғилгани, ҳар бир қўйдан қанча жун қирқиб олингани ёзиб қўйилади.

—Ҳозиргача уч юздан кўп қўзи олдик. Йўлимиз ярим бўлди, — деди Мўмин ака. — Мажбуриятга ҳам оз қолди.

— Бу йилги қиш унча қаттиқ келмади, — суҳбатга аралашди А. Алибеков. — Майсалар барвақт бош кўтарди. Бу эса қоракўл қўйлар учун айни муддао. Совлиқ тўқ юрса, қўзичоқ соғ ва бақувват бўлади. Озуқа етарли, — иккита пичан ғарамини кўрсатади у.— Бироқ қўйлар барра ўт-ўланларни кўпроқ ёқтиради.

— Энди акангнинг ўрнига ўт, — дейди у Суюнга юзланиб.— Келиб чой-пой ичиб кетсин.

Мотоцикл тоғ йўли узра олдинга ғизиллаб кетди. Кенгсой яйлови тоғлар билан ўралган водийда жойлашган. Мана, ўттиз уч йилдирки, Мўмин шу ерда укаси билан чўпонлик қилиб келади.

Бош чўпон Мўмин Раҳимовнинг хизматлари юксак баҳоланиб Меҳнат Қизил Байроқ ордени, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг икки ита медали, «Беш йиллик зарбдори» нишони, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Ўтган даврда донгдор қўйчивон ўн беш мингдан ортиқ зотли қоракўл қўй ўстирди, ўн мингга яқин биринчи навли тери ва қирқ тоннага яқин жун топширди.

— Оилавий пудратга ўтганимиздан кейин ишларимиз анча енгиллашди, — дейди М. Раҳимов. — Энди бизни ҳеч ким уни қил, буни қилма деб, мажбурламайди. Чўпонларнинг вазифаси нималардан иборат эканини беш бармоғимиздек биламиз. Маслаҳатчиларнинг ҳожати йўқ. Бироқ қўйларнинг соғлиғини текшириш, назорат қилиб туриш биринчи даражали юмушимиз.

Ҳа, чўпонлар ҳаёти доимо беҳаловат. Бу серташвиш ҳаётни Мўмин ва унинг оила аъзолари ўз ихтиёрлари билан бир умрга танлашган.

С. МЕЛКОЗЕРЕВ.

СУРАТДА: ака-ука чўпонлар Абдухолиқ ва Мўмин Раҳимовлар.

В. АЛЕКСЕЕВ фотоси.

ТЎЛГА БАРАКА!

Биз режага биноан Нишон район партия комитетига, сўнгра чорвадорлар ҳузурига бориш ниятида эдик. Буни қарангки, тушган автобусимиз «Нишон» давлат наслчилик заводи муюлишида тўхтади.

...Хўжалик район марказидан унча узоқ эмас. Қайси томонга юришни билмай иккиланиб тургандик, елдек учиб келаётган енгил машина кўзга чалинди. Қўл кўтардик, машина сал ўтиб тўхтади. Ўзимизни таништирдик, хўжаликнинг таниқли чўпони Чўян Дўланов отари қайси томонда эканлигини сўрадик. Шофёр ёнида ўтирган шляпали киши:

— Чиқа қолинглар, ҳамроҳ эканмиз, — деганида дилимиз ёришиб кетди.

Бироз жимликдан сўнг у киши ўзини таништирди:

— Сизлар бораётган наслчилик заводининг директори — Мадат Галиевман. Чўян ака ҳақида ёзишга қарор қилганларинг айни муддао. Эҳ, қани энди ҳамма отарларимизни шундай одамлар бошқарипса. Кўзи шу ишда пишган у кишининг. Лекин ҳеч қачон хизматини пеш қилмайди. Барака топкур баъзи «олғир»ларга ўхшаб алдамқалдам йўлдан юрмайди. Ҳавойи рақамлар, шону шуҳрат кетидан югурган чўпонларга: «Ахир, бу йўл билан энг аввало ўзингизни алдамаяпсизми?» — дея дашном беради.

Йўл бўйлаб қизиб кетган гурунгда ҳалол, меҳнаткаш чўпоннинг сиймоси кўз олдимда шундоққина гавдаланди. Маълум бўлишича, Чўян ака ўттиз йилдан бери чўпонлик қилиш билан бирга ўтган давр мобайнида Украина, Қозоғистон, Молдавия каби қардош республикаларга 60 мингдан зиёд қўй, 80 минг дона тери сотган экан. Жаҳон бозорида сотилган терилар бир неча бор олтин медалларга сазовор бўлибди. Чўпоннинг кейинги йилларда эришган муваффақиятлари ҳам мақтовга лойиқ. Кейинги икки-уч йил ичида рўй берган қурғоқчилик Қашқадарё чорвадорларига қимматга тушди. Сурувларни Қозоғистон ва шунга ўхшаш яйловлари кенг жойларга олиб кетишга тўғри келди. Бир сурув молларни гўштга топширишдан бошқа чора қолмади. Оқибатда чорва туёғи камайиб кетди. Лекин Чўян ака шундай оғир шароитда ҳам қўйларни гўштга топширмай сақлаб қолишга тиришди.

Чўпоннинг ўтган йилги ютуқлари ҳам мақтаса арзигулик. Тўл олиш мавсумида ҳар юз бош совлиқдан 122 та қўзи олиб, насл қолдириш планини 130 процент бажарибди. Пландаги 200 ўрнига 250 дона тери топширилиб, бу соҳада анча ўсишга эришилибди. Меҳнатга яраша рағбат: мавсум якунида 45 та қўзи мукофотга берилди.

— Бултур хашакни мўл жамғарганимиз қишловда жуда асқотди, — дейди директор. — Ахир, чорвадорнинг емишдан кўнгли тўқ бўлгани катта гап. Айни пайтда адирларда сунъий яйловлар барпо этаяпмиз. Туркманистонгача чўзилиб кетган кенгликни ривожлантириш учун катта имконият бор. Янгидан изензорлар яшнади. Бундан ташқари яйловларимизда янгидан яратилган саксовулзорлар 300 гектарни ташкил этади.

Ҳа, ҳақиқий чўпон саксовулнинг қадрини яхши билади. Таъбир жоиз бўлса, бу ўсимлик яйловнинг «гули». Саксовул айни қиш фаслида ширага киради. Шу сабаб қўйлар уни зўр иштаҳа билан ейди. Саксовулда ҳикмат кўп, совуқнинг тиғини кесади. Далаларда эса қорни кўп тўплайди, бу гиёҳ атрофида ўт-ўланлар ғужғон ўсади.

Кўклам қуёшида ярақлаб кетган кўм-кўк адирлар баҳру дилимизни очди. Табиат ато этган гўзалликка қараб тўймайсан киши. Шу қадар мусаффо, шу қадар дилрабо.

Чўян аканинг фарзандлари ҳам ота изидан бориб, чўпонлик қилишмоқда. Катта ўғли — Бўри қўй изидан юриб суяги меҳнатда қотди. Чўлли, Болли, Дилором ҳам Чўян аканинг фарзандлари, улар ҳам отаси изидан боришмоқда.

Ўумуман Чўян ака ва унинг оила аъзолари совхознинг 1500 бош қўй-қўзисини икки сурувга бўлиб боқишаётир. Бир сурувни совлиқлар, яна бирини тўқлилар ташкил этади. Бу йил ҳам 600 қўзини ўстиришга қолдиришмоқчи. Демак, хўжаликнинг сабзавот экиладиган майдони 270 гектардан ошади. Совхознинг олмазори ҳам янгиланади. Бу боғни қайта тиклаш планига кўра шанбалик кунида юзлаб ёш дарахт кўчатлари ўтқазилади. Хўжалик ходимлари беш йиллик фондига 5 минг сўмдан ортиқроқ пул ўтказадилар.

Наманган область Чуст районидаги «Коммунизм» совхозида жорий йилда 20 гектарлик шафтолизор барпо этилди. Бунда ёш ишчилардан Назира Роҳаталиева ва Ханифа Соатова алоҳида ўрнак кўрсатдилар.

СУРАТДА: пешқадам боғбонлар Н. Роҳаталиева ва Х. Соатова.

Н. ШАРИПОВ фотоси.

ШАНБАЛИККА ТАЙЁРМИЗ

МАШИНАСОЗЛАР

Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги экспериментал ишлаб чиқариш корхонаси меҳнатчилари камбар зовурга дренаж ётқизувчи ДУ-301 машинасини муддатидан илгари — Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги кунида йиғиб бериш мажбуриятини олдилар. Бундан ташқари корхона цехларида ўнлаб суғориш комплектлари, бир неча километр бурама дренаж қувурлари, халқ истеъмоли моллари тайёрланади. 20 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш мўлжалланган. Корхона ходимларининг бир қисми ишлаб чиқариш биноларини ободонлаштириш билан шуғулланади.

СОЗЛОВЧИЛАР

«Агропромживферм» Бухоро бирлашмасининг мутахассислари Когон ва Вобкент наслчилик репродукторлари корхонаси цехларида коммунистик шанбалик куни технологик ускуналарни монтаж қиладилар, Бухоро районидаги Усмон Юсупов номли колхознинг сут-товар фермасида ҳам янги сут соғиш агрегатлари ўрнатилади. Бирлашма меҳнатчилари шу куни ҳаммаси бўлиб 6 минг сўмлик монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажарадилар. Созловчилар 16 апрелда ишлаб топилган маблағнинг ҳаммасини беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилдилар.

САБЗАВОТКОРЛАР

Калинин районидаги XXI партсъезд номли совхоз меҳнатчилари 16 апрелда карам, помидор, бақлажон, болғар қалампири кўчатларини ёппасига эка бошлайдилар. Шу куни 150 гектар ерга кўчат ўтқазилади. Хўжаликнинг сабзавот экиладиган майдони 270 гектардан ошади. Совхознинг олмазори ҳам янгиланади. Бу боғни қайта тиклаш планига кўра шанбалик кунида юзлаб ёш дарахт кўчатлари ўтқазилади. Хўжалик ходимлари беш йиллик фондига 5 минг сўмдан ортиқроқ пул ўтказадилар.

АВТОМОБИЛЧИЛАР

«Узмясомолспецавтотранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳайдовчилари меҳнат байрамида йил бошидан бери тежалган ёнилғи ҳисобига ишлаб, деярли мингта рейс бажарадилар. Шу куни Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Наманган областлари хўжаликларига 200 та машина жўнаб кетади. Машиналар у ердан озиқ-овқат саноатининг қайта ишловчи корхоналарига 500 тоннадан ортиқ гўшт ва сут маҳсулотлари келтиради.

ПАХТАКОРЛАР

Хонқа районидаги Октябрь 40 йиллиги номли колхоз деҳқонлари коммунистик шанбалик кунида юз гектардан ортиқроқ ерни чигит экишга тайёрлаб қўядилар. Озуқа тайёрловчи бригада эса эндигина униб чиққан маккажўхори ниҳолларини парваришлайди. Чорвадорлар ҳам меҳнат байрамига тайёргарлик кўришмоқда. Улар барча ферма биноларини ремонт қилишни, 88 йил шанбалигидан эсдалик сифатида атроф территорияда боғ яратишни мўлжаллаб қўйдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари диққатига

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси шу йил 7 апрель эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Саккизинчи сессияга келувчи Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида 6 апрель куни эрталаб соат 10 дан кечқурун соат 19 га қадар рўйхатдан ўтадилар.

ҚАЙТА ҚУРИШ ФИДОЙИЛАРИ

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Иноят Ҳидоятович Файзиев академиянинг салобатли биносидан жиққа ҳўл бўлиб чиқди. Қулоғи ғувуллар, кўзи тиниб, ер кемадек лапанглярди. «Яна ошди!» Бўйнини чап қўли билан икки-уч эзғиладй. «Юздан каммас-ов!» Бошидан ўтган табиб — у ўзига-ўзи диагноз қўйди. Дарҳақиқат, қон босими кўтарилган эди.

Унинг хаёллари қўнимсиз, ҳатто бир-бирини инкор этарди. Содиқ шогирд жигарингдай, фарзандингдай яқин ва меҳрибон бўладн. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси М. Т. Урозбоев номидаги Механика ва зилзилага чидамли иншоотлар институти пахта териш аппаратлари лабораториясининг группа раҳбари И. Ҳ. Файзиевнинг ана шундай шогирдлари жуда кўп. Адҳам Икромов уларнинг бири.

— Тинчликми? — устозининг ҳомуш кўзларига тикилганича хавотирланиб сўради Адҳам.

— «Бироз сабр қилинглар, маблағ йўқ», — деб айтди.

Иноят ака ўзини тутиб туролмади, дилидагини тўкиб солиб, бироз енгил тортгяси келдими, бор гапни шогирдларидан яшириб ўтирмади.

— Умдини катта эди, афсус, бўлмади. Кўра-била туриб менгаки маблағ йўқ дедимми, бошқаларга унинг нафи тегишига ақлим бовар қилмайди.

Устозининг кайфияти шогирдига ҳам «юқди».

— Узиникига топиладн-ку,— деди у ички бир ўкинч билан.

А. Икромовнинг бу гапида жон бор. Кейинги икки-уч йил ичида академиянинг Механика ва зилзилага чидамли иншоотлар институтида янги ташкил этилган иккита лаборатория ҳамда шу лабораторияларда лойиҳалаштирилган истиқболдан йироқ бир неча пахта териш аппаратларини яратишга жуда катта миқдорда маблағ сарфландн. Уларга академиянинг механика ва бошқарув жараёнлари бўлимининг академик секретари А. Д. Глушченко бевосита раҳнамолик қилмоқда. Шунингдек, у такомиллаштирилган пахта териш машинасини яратиш мақсадида ташкил этилган тармоқлараро илмий-техника марказининг ҳам бошлиғи. И. Ҳ. Файзиев унинг ҳузуридан терга ботиб чиқди.

Техника фанлари кандидати И. Ҳ. Файзиев бошчилик қилаётган ижодий коллектив 1976 йили асосан ингичка толали пахта териш учун қобиқли автомат шпиндель яратди. Бу билан серияли таркибий автомат шпинделлар оиласи яна бир мустақил шохобча билан бойитилди. Қобиқли автомат шпиндель 1976—1980 йиллар мобайнида Тошкент область Чиноз районидаги Киров номли колхозининг бешинчи бригадасида, Сурхондарё областининг Термиз ва Жарқўрғон районларидаги ингичка толали пахта етиштириладиган хўжаликларда ҳам синовдан ўтказилди. Терилган пахтанинг сифати қўл теримига яқин бўлди. Бу хулоса лабораторня-дала синови актларида қайд этилган. Тадқиқотлар яна шуни кўрсатдики, толанинг ифлосланиши уч-тўрт процент кам, шпинделнинг териш қобилияти эса ўтмишдошларига нисбатан 4—5 процент юқори. Шунингдек, уни кунига бир марта ювиш кифоя.

Ушбу автомат шпинделнинг ўзакка кийгазиладиган қобиғи қалинлиги бир, энн тўқсон, узунлиги 630 миллиметр пўлат лентадан ясалади. Ундаги тиш ва тишолди тешикларини ясаш жараёни ҳам унчалик мураккаб эмас, дастгоҳларда автомат усулда бажарилади. Ихтирочи ва олим Файзиев ана шу шпинделни давлат синовидан ўтказишга рухсат ва ёрдам сўраб мутасадди ташкилот — тармоқлараро илмий-техника маркази бошлиғи, академик А. Д. Глушченко олдига умид билан кирганди.

* * *

— Қаерда овқатланамиз?

— Кооператив ошхона ду руст экан.

Лабораторияда касбдошларининг шу гаплари тасодифан қулоғига чалинди-ю Иноят Ҳидоятович қачонлардир йўқотган оромини топгандай бўлди, кимларнингдир лоқайдлигидан жонини қийнаётган «дард» чекинаётганлигини ҳис этди. Хаёлида: «Кооператив, кооператив...» деб тез-тез такрорлай бошлади ва ниҳоят:

— Топдим! — деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. — Илмий-техника кооперативи тузамиз!

Ҳали ташкил этилмаган бу уюшма ҳаёлида катталашиб, ҳатто фирмага айланди..

Ниятини дастлаб шогирдлари Адҳам Икромов, Убайдулла Абдувалиев, Нортожи Баротов, Аваз Убайдуллаевга айтди. Улар ҳайрон бўлишди, ишонқирашмади. Шу ҳақда Файзиев бундай эслайди: «Баъзилар ишонди, баъзилар йўқ. Шунчаки орзу, дегандай мийиғида кулиб эрмак учун эшитганлар ҳам бўлди. Лекин бу фикримни касбдошим, техника фанлари доктори, профессор Олим Аминович Каримовга айтгандим, у киши: «Муаммоларимизни кооператив қисман ҳал қилади», — деб қўллаб-қувватладилар. Кооператив тузишга биргалашиб киришдик. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига мурожаат қилдик. У ерда: «Бу соҳада пионер бўласизлар», — дейишди. Институтимиз директори Комил Бобомуродов эса ажойиб фикр, деб кўнглимни кўтардилар.

Ҳаёт фалсафаси шундайки, атрофингдаги дўстларинг, раҳбарларинг, касбдошлар томонидан тўғри тушунилиб, ижобий баҳо берилиб, агар керак бўлса баъзи бир жойлари тузатилиб, йўналишга солинмаса, ёки аксинча, қанчалик асосланган бўлишидан қатъий назар, нотўғри тушунилса, ҳар қандай қимматли фикр, ташаббус яхши орзулигича қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Бунга илмий-техника ривожи соҳасидан ўнлаб жонли мисоллар келтириш мумкин.

— Дастлабки фикрларимиз, мантиқий хулосаларимиз шундан иборатки, — деди И. Ҳ. Файзиев, — биз фақат ўзимиз яратган қобиқли автомат шпиндель учун илмий-техника кооперативи тузганимиз йўқ. Пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида ўнлаб ихтиролар турли хил керак-нокерак синовлар баҳонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинмаяпти ёки уларнинг рўёбга чиқиши чўзилаяпти. Бизнинг асосий мақсадимиз дастлабки синов, саноат варианти каби ўнга яқин поғонани кооператив даражасида илмий-техника тараққиётига тарафдор бўлган хўжаликларнинг бевосита иштирокида бартараф қилишдир.

Такомиллаштирилган пахта териш машиналарини яратиш мақсадида ташкил этилган тармоқлараро илмий-техника маркази истиқболли лойиҳаларни танлашда, уларнинг лабораторня-дала нусхаларини яратишда, хўжаликлар шароитида синаб кўришда кутилган натижаларга эришаётгани йўқ. Иш ҳозиргидай силжийдиган бўлса, пахтакорларимиз буюртмаси, республика партия ва ҳукуматининг топшириғи яқин йиллар ичида бажарилмайди. Ачиқ ҳақиқатни тан олишимиз керак: пахтачиликни комплекс механизациялашнинг бирдан-бир омили ҳисобланган илмфан янгиликларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишда ғовлар кўпайиб кетган. Файзиев ва унинг маслакдошлари ташкил этган кооператив синаб кўрувчи илмий-техник муассаса эмас, балки керак-нокерак турли даражадаги ташкилотларнинг аралашувисиз фақат кооператив аъзоларигина истиқболли деб топган тайёр илмий ечимларни оз миқдорда бўлса ҳам ишлаб чиқаришга татбиқ этувчи мустақил кичик станциядир.

Илмий-техника кооперативи моҳиятини Файзиевнинг ўзи бундай таърифлади:

— Фараз қилинг, — у ўзига хос тиниқ овозда ва узоқларга тикилганича бир дақиқа туриб қолди, — далада қирқинчи йилларнинг охирида конструктор Л. М. Розенблюм яратган шпинделли, 60-йилларда институтимиз лабораториясида яратилган тарқибий автомат шпинделли пахта териш машиналари ишлаяпти. Деҳқон қайси шпинделда тоза ва сифатли пахта терилаётганлигини кузатмоқда. Биз унга қоғозларга, манфаатдор шахслар томонидан ҳисобот учун тузилган жадвалларга қараб эмас, ўзи маъқул кўрган шпинделли машинани бевосита иш жараёнида танлаш имкониятини яратиб беришимиз керак. Бир қанча машиналар борки, давлат синов станцияларидан ўтказилган, протоколи жойида, аммо деҳқонлар уларни инкор қилишаяпти...

Файзиев ювош, кулиб гапирадиган олим ва ихтирочига ўхшамай қолди, ҳаракатлари кескин, кўзи чақнарди.

Кооператив йўли билан ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқатлар сифат ва нарх жиҳатидан шу соҳа бўйнча давлат корхоналари маҳсулотлари билан рақобатга киришди. Бошқа турдаги саноат маҳсулотларини шундай усулда ишлаб чиқариш соҳасида республикамизда тажриба йўқ. Ана шуни баҳона қилиб илмий-техника кооперативи тузишга тўраларча муносабатга бўлган шахслар топилди. Аммо ҳаёт талабидан келиб чиқиб, республика Агросаноат давлат комитети Файзиев ва унинг ҳамкасблари ташаббусини қўллаб-қувватлади. Комитет қошида «Агротехмаш» кооперативи тузилди.

Бугунги кун мантиғи шундан иборатки, илмий-техника кооперативи ҳали оёққа мустаҳкам туриб олгани йўқ. Бирон баҳона билан ундан воз кечилса ва ҳозирги мавжуд услуб давом эттирилаверилса, такомиллаштирилган пахта териш машиналарини яратиш ҳам чўзилаверади. Истисносиз, ихтирони бирон шахс ёки ижодий группа яратади. Аммо бутун фожиа шунда бўлаяптики, уни ишлаб чиқаришга жорий этишга рухсат берадиганларнинг кўпчилиги ниҳоятда ниқобланган шахсий манфаатдорликдан ҳамон воз кечгани йўқ. Қонуний асоссиз ана шу манфаатдорлик таг-томири билан суғуриб ташланмас экан, серунум пахта териш машинасини яратиш йўлидаги уринишлар чўзилаверади.

Ҳозирги мавжуд техникадан деҳқоннинг кўнгли тўлмаётганлиги катта-кичик мажлисларда очиқ тан олинаётганлигидан ҳеч ким кўз юммайди. Унинг асосий иш органидаги камчиликдан ташқари бошқа узелларда ҳам жиддий нуқсонлар борлиги кўп йиллардан буён айтилаётган бўлса-да, улар бартараф этилмаяпти. Шундай машиналарни «Ташсельмаш» кўплаб ишлаб чиқармоқда. Улар колхоз ва совхозларга график асосида мунтазам сотилмоқда. Техникани хўжаликларга ажратишда у керакми ёки бунга эҳтиёж йўқми деган масала билан деярли қизиқилмайди.

Илмий-техника кооперативи маҳсулотини хўжаликлар маъқул кўрсаларгина харид қилишади, зўрлаш бўлмайди. Уюшма аъзолари тайёрлаётган маҳсулотларини ҳеч кимнинг кўрсатмасини кутмасдан, турли рухсатномаларни олишга вақт сарфлаб ўтирмасдан такомиллаштириб бораверадилар. Даставвал лаборатория ва дала шароитида муаллифнинг томонидан бир неча марта синовдан ўтказилган, техник характеристикаси тайёр, аммо турли баҳоналар билан пахтачилик бўйича бош конструкторлик бюроси (бошлиғи П. М. Мирзаахмедов), такомиллаштирилган пахта териш машиналарини яратиш тармоқлараро илмий-техника маркази (бошлиғи академик А. Д. Глушченко) томонидан давлат синовига йўл қўйилмаётган қобиқли автомат шпиндель ишлаб чиқарилади. Кооператив аъзоларининг режалари катта. Улар фақат ўзлари яратган ихтиролярни эмас, балки ўзгаларнинг техник ечимлари ҳам ҳаёт юзини кўришига кўмаклашиш ниятидадирлар.

— Ихтиро, техник ечим кимники бўлишидан қатъий назар жамиятга, халққа фойда келтириши керак. Бу — қоида, — кооператив раиси, техника фанлари доктори О. А. Каримов ўз мушоҳадаларини шундай ифода этади. — Ишлаб чиқариш ва синаб кўриш учун қабул қилинажак ихтиро ёки техник ечимга биринчи галда ўзимиз ишонишимиз керак. Шунингдек, улар биз таклиф қилаётган, олға сураётган илмий ғояга тааллуқли бўлиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг бюроси, республика ҳукумати такомиллаштирилган пахта териш машинасини яратишни тармоқлараро илмий-техника маркази зиммасига юклаган эдилар. Бунинг учун белгиланган муддат ўтди, аммо натижа бўлмади. 1988 йилда шунга эришиш вазифаси қўйилган. Лекин унинг раҳбарлари янги муддатни 1990 йилгача чўзишни мўлжаллаяптилар.

— Ўртоқ Файзиев, кооператив билан тармоқлараро илмий-техника маркази ўртасида рақобат пайдо бўлиб қолмасмикин? — деб сўрадик.

— Йўқ, рақобат пайдо бўлмайди, — кулиб қўйди у. — Бизнинг баъзи бир ҳамкасбларимиз ҳам дастлаб кооперативимизни унинг рақобатчиси деб тушунишди. Тармоқлараро илмий-техника маркази асосан техник ечимларни мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи уюшма. Биз эса кооператив асосида фан билан давлат корхоналари ўртасида бўладиган босқичлардан бир нечтасини бажарамиз-да, ишончли техник ечимларни ҳаётда кичик миқёсларда кўрсатиб берамиз. Ана шундан кейин тармоқлараро илмий-техника маркази уни мажлисларда қайта-қайта муҳокама этиш ўрнига хўжаликларга чиқиб кўриб, бевосита иш жараёнида серняли ишлаб чиқаришга яроқли ёки яроқсизлигига ишонч ҳосил қилади. Шунинг учун биз унга рақобатчи эмас, балки кўмакчимиз.

У бироз тин олди. Яна нима ҳақиқадир гапирмоқчи эди, лекин ҳамкасби О. А. Каримов гап бошлади:

— Рақобатчиларни мен икки тоифага бўлган бўлардим, — Каримов бош бармоғини букди. — Биринчиси, ҳақиқий рақобатчилар. Улар бизникидан кўра афзалроқ маҳсулот, техник ечим, илмий асос таклиф этсалар, тан берамиз. Иккинчи тоифа рақобатчилар борки, уларнинг қўлида ҳеч вақо, ҳатто илмий асос йўқ. Мақсадлари — янгиликкка тўсқинлик. Билиб-билдирмасдан ҳаракат қиладилар ёки тўғри гапириб, охирида тескари хулоса чиқариш усулини қўллайдилар. Улар рақобатчи эмас, қайта қуриш тўғаноқлари!

Инсоннинг ижодий, серунум меҳнатини, истеъдодини, умумий ишга қўшаётган аниқ ҳиссасини ҳар томонлама рағбатлантириш керак, деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль пленумида. Илмий-техника кооперативи тузиш, уни оёққа турғазиш ишига кучини, вақтини, ғайрат-шижоатини, иқтидорини бахшида этаётган О. А. Каримов, И. Ҳ. Файзиев ва уларнинг маслакдошларини албатта рағбатлантириш лозим. Лоқайдлик, фаолиятсизлик, жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатлар эса, аксинча, социал ва иқтисодий жиҳатдан тегишли тарзда баҳоланадиган вақт келди. Социал адолатнинг моҳият-мазмуни айнан шуни талаб қилаяпти.

Дарвоқе, илмий-техника кооперативи тузиш ташаббуси айниқса Механика ва зилзилага чидамли иншоотлар институти пахта териш аппаратлари назарияси лабораторияси ходимлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланганлигида жон бор, албатта. Чунки кейинги йилларда бу ерда пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида анча ишлар амалга оширилган. Масалан, бешта диссертация ёқланди, 150 дан зиёд илмий мақола ёзилди, 35 тадан кўп илмий-техник ечим ҳал этилди.

Ҳозир ишдан кейин қолиб, ҳафтада уч кун тўрт-беш соатдан ишлаш имкониятлари борлигини билдирган тажрибали токарлар, слесарлар, инженерлар, илмий ходимларнинг рўйхати тайёр. Кооператив уставига кўра уларнинг ҳар бири аттестациядан ўтказилаяпти.

— Сизнинг орзунгиз — уюшма тузилди, унинг маҳсулотларини ким харид қилади? — деб кооператив раиси, профессор О. А. Каримовдан сўрадик. У шошмай семиз, сариқ портфелидан бир даста қоғоз олди.

— Мана, кўринг, — деди у. «Наманган область агросаноат комитети қобиқли автомат шпинделдан 30 комплект (3000 дона) етказиб беришингизни сўрайди. Нархи калькуляция асосида тўланади».

«Қобиқли автомат шпинделдан 40 комплект керак. «Сабай» совхоз-техникуми дирекцияси».

Бу хил буюртмалар Жиззах область агросаноат комитетидан, «Гулбоғ» совхозидан, Боғдод районидаги Жданов номли колхоздан ҳам олинган.

Такомиллаштирилган пахта териш машинасини яратишга чинакамига киришган мутахассислар «Агротехмаш» кооперативининг келажагига умид боғлашаяпти. Чунки у фақат истеъмолчиларни қисман таъминловчигина бўлмай, келажакда пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасининг ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган кичик марказларидан бирига айланиши ҳам мумкин. Яхши ният, эзгу орзу билан бошланган бу иш катта истиқбол йўлидаги қутлуғ қадамдир.

Маҳкам РИХСИЕВ.

ИССИҚХОНА НЕЪМАТЛАРИ

Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг теплица хўжалиги ходимлари шу кунларда эл дастурхонига кўплаб помидор ва бодринг тортиқ этишаяпти. 24 гектарли биринчи блокда пишган ҳосил пешма-пеш узиб-йиғиб олиниб, истеъмолчиларга сара ҳолда етказилаётир. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг бир қисми колхоз дўкони орқали меҳнаткашларга сотилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Ишчи Назокат Ҳасанова иш устида. 2. Моҳир сабзаводкор Гулчеҳра Ҳамроева. 3. Колхоз дўкони сотувчиси Шаҳзод Шавкатов харидорга хизмат кўрсатмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТЎХТАШ ЙЎҚ

Жийдакапа темир-бетон маҳсулотлари заводида икки смена ўртасидаги бекор туришларга тамомила барҳам берилди. Корхона пешма-пеш ишлаш методига ўтди. Бунинг натижасида 200 иш соати тежалди. Айни маҳалда меҳнат унумдорлиги 6 процент ошди, хом ашё ва энергия сарфи камайди, меҳнат интизоми мустаҳкамланди.

Эндиликда комплекс бригадалар ишламоқда. Ҳар бир ишчи умумий пировард натижадан бевосита манфаатдордир.

ҚЎЧМА ЦЕХ

Андижон консерва заводининг рационализаторлари билан область агросаноат комитетининг мутахассислари яратган кичик кўчма цех боғ ва полиз маҳсулотларини томорқа участкалари ёнгинасига келиб консерва қилиб беради.

Рационализатор ва мутахассислар ишлаган лойиҳага мувофиқ Ленин район ремонт-ишлаб чиқариш корхонасининг ходимлари сабзавот ва мевани консерва қиладиган машина-ускуналарни «Колхида» автомобили шассисига монтаж қилдилар. Банкаларни ва хом ашёни ювадиган ванналар, маҳсулотни стириллайдиган герметик қозон ўрнатилди. Цехда тўрт нафар оператор ишлайди ва бир сменада қарийб 2 тонна хом ашёни консерва қилиб чиқариб беради.

Ҳар бир банкани тайёрлаб бериш буюртмачига атиги 15 тийинга тушади ва бундан завод ҳам, буюртмачи ҳам наф кўради.

— Бу йил яна 15 та кўчма цехни монтаж қилмоқчимиз, — дейди Андижон область агросаноат комитетининг раиси Н. Турсунов. — Областдаги ҳамма районлар ва кичик-кичик шаҳар аҳолиси хизматини адо этмоқчимиз.

ҚИЧИК БЎЛСА-ДА

Бухоро область агросаноат комитетининг область қишлоқ хўжалик виставкаси территориясида қурилган ихтисослашган цехи теплица хўжаликларига дастлабки маҳсулоти — тўрт тоннадан кўп полиэтилен пленка юборди.

Янги цех ҳар куни эни бир ярим метрга борадиган ўн минг метрдан кўп плёнка тайёрлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш жараёни юксак даражада механизациялаштирилган бўлиб, унда атиги тўрт киши ишлайди.

— Цехимиз маҳсулотини совхоз ва колхозларгагина эмас, шу билан бирга саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларига ҳам етказиб беришни мўлжаллаяпмиз, — дейди виставка директори Н. Гудкова. — Келгусида брак плёнка ва ишлатилган плёнкани гранулга айлантиришни ҳам йўлга қўямиз.

ХЎЖАЛИК СУВ ҲАҚИНИ ТЎЛАЙДИ

1 апрель куни тонг отиши билан Бекобод районидаги 13 та хўжаликнинг сув олиш иншоотларига сув ўлчагичлар ўрнатилди. Шундай қилиб, сувчилар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида янги, хўжалик ҳисоби муносабатларини ўрнатувчи эксперимент бошланди. Бундан буён сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ўрнатилди.

Давлат ирригация тармоқлари қурилиши ва улардан фойдаланиш учун ҳар йили сарфлаб келаётган миллиардмиллиард сўм пулни сувдан фойдаланувчи муайян хўжаликлар эмас, балки бутун жамият тўлаб келмоқда. Бундай система сувни истеъмол қилишда исрофгарчиликка олиб келди. Ўрта Осиёда, шунингдек бошқа регионларда ҳам сувнинг нисҳоятда танқис бўлиб қолганлиги кўп жиҳатдан сув учун ҳақ тўламаслик оқибатидир.

БЕКОБОД РАЙОНИДА СУВДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА БОШЛАНДИ

Эксперимент шартларига кўра белгиланган нормадан ташқари фойдаланилган ҳар бир куб метр сув учун хўжалик уч карра кўп ҳақ тўлайди. Сувни ўз вақтида етказиб бермаслик натижасида ҳосилдорликнинг камайиб кетиши эса сувчиларига зарар келтиради—уларга катта жарима солинади. Сувчилар ҳам принцип жиҳатидан янгича меҳнат шароитларида ишламоқдалар. Барча сув хўжалиги бўлинмаларини ўз ичига олган Бекобод район ремонт-эксплуатация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳозир тўла хўжалик ҳисобида, ўз харажатларини ўзи қоплаш ҳамда ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишламоқда. Мазкур бирлашма меҳнатчиларининг фаровонлиги энди бевосита ирригация системалари ишининг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Экспериментга катта тайёргарлик кўрилди. Республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги билан Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиққан программага асосан ўнлаб километр суғориш тармоқлари реконструкция қилинди, сув олиш жойларида юзлаб ўлчов асбоблари монтаж қилинди, хўжаликлар ичида счётчиклар ўрнатила бошлади. Буни деҳқонлар ўз фаолиятида қўллаётган пудрат усули шароитлари тақозо этмоқда. Колхоз ав совхозларнинг юзга яқин вакили гидрометрия курсида ўқидилар. Улар сувчилар билан бирга районда ва хўжаликлар ичида сув истеъмолини назорат қиладилар.

Мамлакатимизнинг Саратов ва Днепропетровск областларидаги икки районда бошланган экспериментнинг ҳам аниқ пировард муддати белгиланган эмас. Эксперимент йилдан-йилга кенгайтирилиб ва беш йиллик охирида Ўзбекистондаги барча хўжаликлар сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлайдиган бўладилар. Бу эса республика бутун сув хўжалигини ҳам тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш имконини беради.

А. БЕЗВЕРХОВ,
ЎзТАГ мухбири.

БИЗНИНГ ШАРҲ

ИШБИЛАРМОНЛИК ИШДА БИЛИНАДИ

«Социализм» совхози механизаторлари экиш техникасини Ворошилов районида биринчилар қаторн ремонтдан чиқардилар. 30 та ҳайдов, 35 та чопиқ трактори, 31 та сеялка, 37 та культиватор ва бошқа механизмлар тайёрлов чизмасига қўйилди.

Баҳор бу ерлик деҳқонларни шошириб қўя олмайди. Улар барча экин майдонларининг шўрини ювиб, техникани ҳам экиш мавсумига барвақт тайёрлаб қўйдилар. Бироқ барча ишлар ҳисоботларда кўрсатилганидек, ҳамирдан қил суғургандек бўлавермайди. Шу боисдан совхоз марказий устахонаси мудири Аширали Иброҳимов билан суҳбатлашар эканмиз, сўзимиз ремонтчилар дуч келаётган қийинчиликлар, муаммоларга бориб тақалди.

— Машина ва механизмлар ремонти сифати махсус комиссия кўригидан ўтказилгач, ҳаммасини бўлимларга тақсимлаб бердик, — деди у. — Уларни ҳатто ҳозир далага чиқариш мумкин. Тўғри, комиссия баъзи тракторларда арзимас нуқсонлар борлигини аниқлади. Бинобарин, бизнинг ишимизда майда-чуйда бўлмаслиги шарт. Яхши бириктирилмаган деталь ёки бошқа бирор нуқсон иш айни авжига чиққанда панд бериши мумкин. Мавсумда эса ҳар дақиқа ғанимат. Айбдорлар етишмовчиликларни бир зумда бартараф этдилар. Шундай бўлса-да, йиғилишда улар билан жиддий сўзлашув бўлиб ўтди. Йиғилганлар бир овоздан айбдорларни мукофотдан маҳрум этишга қарор қилишди. Кўпчилик ремонтчилар виждонан ишладилар. Айниқса моторист Яҳё Зиёев, токарь Афанасий Ан, механизаторлар Холиқул Умиров, Қурбонбой Исроиловлар барчага намуна бўлишди. Улар социалистик мусобақада ғолиб чиқишиб, мукофот ва кўчма вимпель билан тақдирландилар. Ремонтчиларнинг ҳаммаси махсус кийим-кечак билан таъминланган, текин сут олишмоқда. Устахонада иссиқ овқат ташкил этилган.

Ошхона асосий цехда жойлашган. Бу ер озода, шинам. Умуман марказий устахона территорияси ҳар қандай кишида яхши таассурот қолдиради. Ҳамма жой супуриб-сидирилган, бирор хона ёки ҳовлида темир-терсак ётганини учратмайсиз. Бироқ техниканинг бир қисми очиқ майдончада турибди, устахонага борадиган йўллар асфальт қилинмаган.

— Ҳа, бу борада ҳали ишларимиз яхши эмас, —деб иқрор бўлди А. Иброҳимов. — Ҳатто марказий қўрғонимизда асфальт қилинмаган кўчалар бор. Ҳовлида бостирмалар бўлиши яхши, албатта, бироқ ҳаммасини цехларга жойлаштириш қийин. Шунинг учун учинчи, тўртинчи, олтинчи бўлимларда ҳам техникани сақлашга зарур шароитлар яратганмиз. Тўғри, у ёқларда бостирмалар қуришга энди киришдик. Эҳтиёт қисмлар масаласи энг долзарб муаммолигича қолаяпти.

— Эҳтиёт қисмлар етишмайдими?

— Нимасини айтайлик. Экиш техникасини бир амаллаб ўз вақтида ремонтдан чиқардик, нимаики керак бўлса, амал-тақал қилиб топдик. Мана ҳозир устахонамизда жимлик. Нега дейсизми? Ҳозир пахта териш машиналарини ремонт қилишнинг айни пайти, бироқ Д-37 двигателлари учун гильзалар йўқ. Пичан ўриш техникаси ремонтини бошладик, лекин бунда ҳам керакли деталлар етишмаяпти. Масалан, КСК-100 пичан ўриш комбайнини олайлик. Ҳамиша нимадир етишмайди. Албатта, биз қўл қовуштириб ўтирмаймиз, бошқа хўжаликлардан излаймиз, лозим бўлса айирбошлаймиз. Аммо бундай ишлашга қачонгача тоқат қилиш мумкин?

— Эҳтиёт қисмлар таъминотида РАПО ёрдам кўрсатмаяптими?

— Афсуски, йўқ. РАПОнинг механизация бўлими амалда ҳеч иш қилмаяпти. Ҳолбуки РАПОда информация хизмати ташкил этилиши, у қайси хўжаликда қандай эҳтиёт қисм етишмаётганлиги ёки ортиқча эканлигини аниқлаб туриши фойдадан холи эмас. Ана шунда деталь излаб сарсон-саргардон бўлиб юришлар барҳам топган бўларди, ремонт муддати анча қисқарарди.

Иккинчидан, баъзи деталларни хўжаликнинг ўзида ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун эса станоклар керак. Масалан, бизнинг марказий ремонт устахонамизга сайқаллаш станоги зарур. Ана шу станок бўлганда тирсакли валларни ўзимиз сайқаллардик. Афсуски буни ҳеч қаердан сотиб олишнинг иложи йўқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, тўла хўжалик ҳисобига ўтиш ҳамма нарсадан тежаб-тергаб фойдаланишни тақозо этади. Айрим деталларни ўз кучимиз билан ремонт қилиш анча арзонга тушади, иш ҳам тез ва сифатли бўлади. Эндиликда хўжалик учун ортиқча техникани сотиб олиш наф келтирмайди, механизаторлар ҳам унинг яхши сақланишидан, умри узайганлигидан манфаатдор. Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида техникани эҳтиётлаб сақлаш деҳқоннинг асосий юмуши бўлиб қолди. Ҳар қандай мавсум муваффақияти машина-механизмларнинг қандай тайёрланганлигига боғлиқ. Бу эса ҳосилдорликка, иш ҳақига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Ўтган йили совхозимизда машинада пахта териш плани 110 процент бажарилди. Йиғим-теримда асосий оғирлик машиналар зиммасига юклатилганлиги туфайли ҳосилни ўз кучимиз билан саранжомлаяпмиз. Жорий йилда механизаторларимиз ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида териб олишга бел боғланганлар.

В. ҲАБИБУЛЛАЕВА,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҚИЗИЛҚУМ МАЛИКАСИ

ёки Дариха АБДУЛЛАЕВАнинг эътиқоди

Одатда ҳар бир хўжаликнинг номдор кишилари бўлади. Ундайлар ўз коллективи равнақи йўлида бутун кучини, ақлу заковатини ишга солиб меҳнат қилгани учун бошқалардан ажралиб турадилар. Ана шундай кишилардан бири Фориш районидаги «Қизилқум» совхозининг оддий чўпон қизи Дариха Абдуллаевадир.

Хўш, Дариха ким? Нега уни шунчалар эъзозлашади?

Совхознинг Қўлтўқон, Кўктепа, Болғабой, Жонибек ва Қорамола яйловлари... Сергўлигини кўриб кўзингиз қувонади. Яйлов ичига кириб борганингиз сари мириқиб ўтлаётган қўй-қўзилар отари тез-тез учрай бошлади.

— Булар Дариханинг мусобақадоши Муслим ака Бўронбоевнинг отари. Биз ҳув анови Жонибек яйловига борамиз, — деди ҳамроҳим, совхоз бош зоотехниги Абдулла Есимов уфққа туташиб кетган кенглик томон ишора қилиб.

Бир соатлар чамаси юрганимиздан сўнг узоқдан оқланган якка уй, сал нарироқда пичан ғарамлари ва қўралар кўринди. Кеч тушиб қолганлиги учун бир отлиқ қўйларни қўра томон аста ҳайдаб келарди.

— Мана бу Дариханинг турмуш йўлдоши Набибулла Абдуллаев бўлади. У бош чўпон, — тушунтирди ҳамроҳим. Сўнг яна атрофга аланглаб ўзича: «Қаёқда қолди экан қизи тушмагур», — деб қўйди ва бир нарса топиб олгандек суюниб кетди:

— Ҳу ана, от чоптириб келаяпти. Набибулладан олдинроқ келиб қудуқдан сув тортиб турмоқчи, шекилли.

Ҳаммамиз зоотехник кўрсатган томон қарадик. Ҳақиқатан ҳам от устида қарчиғайдай ўтириб Дариха келарди. У отга шундай ўрнашиб олганки, кишининг ҳаваси ортарди. Унда на кўрқиш бор, на ҳадиксираш. От секинласа, қамчи босади. Худди улоқчи йигитларга ўхшайди. Ҳаш-паш дегунча қудуқ бошига етиб келди. Келдию отдан сакраб тушиб, мотор чархпалагига тасма ўраб, уни куч билан тортиб юборди. Ҳали сукут сақлаб турган мотор яна «пат-пат»лаб ишга тушиб, қудуқ тубидаги сувни юқорига торта бошлади. Бир зумда охурлар сувга тўлди. Куни билан тўйиб озиқланган қўй-қўзилар ўзини оби ҳаётга урди. Мириқиб сув ичгандан сўнг яна яйловга ёйила бошлади.

Биз бу ерда бўлаётган ишларни бироз кузатганимиздан сўнг шофёр машинани якка томга — чўпон уйи томон ҳайдади.

— Қани, ичкарига марҳамат. Чўпонларимиз қандай яшашини бир кўриб қўйинглар, — аёлнинг сўзини қувватлаб мулозамат қилди ҳамроҳим. Ичкари кирдик. Бир даҳлиз, шинам қилиб безатилган катта-катта икки хона. Худди меҳмон келишини кутгандек кўрпача тўшалиб, ёнбошга духоба ёстиқ қўйилган. Девордаги гилам ҳар қандай киши нигоҳини тортади. Шифтга лампочка осиғлиқ. Ҳар эҳтимолга қарши керосин лампаси ҳам тахт. Бурчакда телевизор, радиоприёмник. Хуллас, уй-рўзғор учун керакли буюмларнинг ҳаммаси бор. Булар бир қарашдаёқ хонадон соҳибининг рўзғори бутлигини кўрсатиб турибди. Иккинчи хонага кўз ташлаймиз. Бири-биридан ширин тўрт бола турли ўйинчоқлар ўйнаш билан банд.

— Мана шунақа «базм» ҳар куни, — изоҳ берди ҳалиги аёл. — Омон бўлишсин тойчоқларим. Кечгача шўхлик қилавериб ҳоли-жонимга қўйишмайди... Ҳа, айтгандек, сизларни ўтиришга таклиф қилишни унутибман. Узр-узр. Ҳозиргина газни ёқувдим, мана чой тайёр.

Бир пиёла чойдан сўнг отарни кўздан кечирдик. Чўпонларнинг астойдил меҳнат қилганлиги совлиқларнинг семизлигидан, қўзиларнинг дуркун ўсаётганлигидан кўриниб турибди... Бу орада Набибулла билан Дариха қўйларни қўрага қамашди. Шундан сўнг суҳбатимиз қизигандан қизиб борди. Чўпонлик Набибулланинг ҳам, Дариханинг ҳам ота касби экан. Дариханинг отаси Эсонбой Бозоров, онаси Ойгул Бозорова ҳам кўп йиллардан бери «Қизилқум» совхози иккинчи фермасида 750 та қўйни парваришлаб, олинган социалистик мажбуриятларини ошириб бажаришар экан. Дариха ана шундай меҳнаткаш оилада тарбия топди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ дарсдан кейин ота-онасига кўмаклашар, айниқса баҳорда тўл мавсуми бошланди, дегунча қўзичоқлар олдидан кетолмасди. Уларни суйиб эркалар, силаб-сийпалаб, ҳар бирига ўзича ном қўярди. Челакда сут келтириб қўзичоқларга ичирарди. Дарихага ўрганган қўзилар эргашиб кетидан қолмасди... Бора-бора у чўпонликка меҳр қўйди.

— Унинчи синфни битириб турмушга чиқдим, — дейди Дариха чўпонлигининг дастлабки йилларини эслар экан. — Турмуш йўлдошим ҳам чўпон. Мен унга ёрдамчи бўлдим. Кўплаб ютуқларга эришдик. Олган план-мажбуриятларни бажардик. Масалан, ўтган йили 630 бош совлиқнинг ҳар юзтасидан 118 тадан қўзи олдик. Устиришга 400 га яқин қўзи қолдирдим. Бу йил ҳам ана шу кўрсаткични пасайтирмаслик учун ҳаракат қиляпмиз.

Дарҳақиқат, Дариха турмуш йўлдоши Набибулла билан бирга меҳнат қилиб, элюрт бойлигига бойлик қўшиб келаяпти.

— Қайнонам Тозагул Абдуллаева ҳамма вақт ёрдам бериб келаяптилар, — дейди Дариха ундан миннатдор бўлиб. — Масалан, қўй боққанда об-ҳавога қараб иш тутишни, йилнинг қайси фаслида қайси яйловга ҳайдашни яхши биладилар. Яйловда юрганда қаттиқ шамол туриши, ёмғир ёғиши мумкин. Шундай вақтларда қўйлар қандай сақлаб қолинади ёки ёш қўзиларни совуққа олдирмаслик учун нималарга эътибор бериш керак, ҳаво очиқ бўлса, тунда ёйиб келгандан сўнг кучли озуқа берса, қўй-қўзилар тез семиришини қайнонамдан ўрганганман.

Тажрибали чорвадорлар ўгитига қулоқ солган Дариха қўй боқишда манман деган чўпонларни ортда қолдириб кетди. Унинг донғи совхозгагина эмас, балки бутун районга таралди. Ҳатто уни эъзозлаб «Қизилқум маликаси» деб атайдиган бўлишди. Дариха бундан мағрурланиб кетмади. Аксинча ўз меҳнати, қўлга киритган катта ютуқлари билан замонамизнинг ҳақиқий маликаси эканлигини исбот этди. Шундан сўнг унга ёна ҳам ишонадиган, у билан фахрланадиган бўлиб қолишди.

1987 йилнинг август ойи Дариха ҳаётида бир умрга ўчмас из қолдирди. Коммунистлар уни ўз сафларига қабул қилишди. Ушандан бери Дариханинг ишга, чорвачиликни ривожлантириб, ундан мўл маҳсулот етиштиришга бўлган масъулияти янада ошди. Айниқса, қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида ишни оилавий пудрат усулида ташкил этди. Набибулла билан иккови ўзларига ажратилган маблағларни тежабтергаб ўрнига сарфлашга, ички резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор беришди. Натижа яхши бўлди, албатта. Тежалгани — нақд бойлик, деганларидек, ўтган йил охирида катта даромад эгаси бўлишди. Бу йил ҳам оила пудрати асосида иш юритишаяпти. Ҳозир қўлга киритилган ютуқлар дилларни қувонтиради. У бултур тўл мавсумини муваффақиятли ўтказишни кўзлаб совлиқларни сунъий урчитган эди. Ҳозир улар бирин-кетин қўзилай бошлади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар юз совлиқдан 115 тадан қўзи тўғри келаяпти. Урғочи қўзиларнинг ҳаммаси ўстиришга қолдирилмоқда. Уларга иссиқ хоналар аввалдан тайёрлаб қўйилган эди. Шунинг учун ҳам чиқим бўлмаяпти.

—Дариха менгаям ёрдам беради. Совлиқларни туғдиради, тўрт боласига қарайди. Барчасига улгуради. Ажойиб аёлим борда! — дейди Набибулла...

Оқшом туша бошлади. Набибулла уйдан 50 қадам наридаги движокни юргизиб юборди. Қоронғуда зўр-базўр кўриниб турган лампочка бирдан ёришиб, ҳаммаёқни чароғон қилди. Дариха эса телевизор қулоғини буради. Яхши концерт берилаётган экан, Томоша қилдик. Сўнг яна суҳбатимиз давом этди. Суҳбат асносида «Қизилқум» совхозида қўзи олиш, ўстиришга қолдириш, давлатга гўшт, жун ва бошқа маҳсулотлар топшириш ишлари кўнгилдагидек бораётганлигини айтишди.

Шу кунларда илғорлар отарида қўзилатиш муваффақиятли ўтказилмоқда. Мавсумга ем-хашак етарли. Эндиги вазифа қўзилатишни муваффақиятли тугаллаб, ўстиришга мўлжалланган қўзиларни нобуд қилмай асраб қолиш. Дариха ва Набибулла буни ҳам албатта уддалашади...

З. НАЖМИДДИНОВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАШИНГТОН. Махсус прокурор Жеймс Маккей АҚШ юстиция министри Миз «иши»ни ўрганмоқда, министр бир қанча молиявий қаллобликлар ва махфий фирибгарликларга дахлдорликда айбланмоқда. Бугун прокурор ҳозирча ихтиёримда етарли «далил-исбот» йўқ, шу боисдан ҳам катта жюрига мурожаат қилиб, АҚШдаги бош «қонун посбони»га қарши жиноий айблов қўзғашни талаб қила олмайман, деди. Аммо Маккей тарқатилган махсус баёнотда «тергов ҳали давом этаётганини ва айблов ойнинг охирида тугашини» айтди. Миз атрофидаги шовшув ҳозирги вақтда шу қадар авж олиб кетдики, аслида АҚШ юстиция министрлигининг фаолияти қарахт бўлиб қолди.

* * *

ПРАГА. Халқаро журналистлар ташкилотининг Бош секретариати Исроил маъмурларининг босиб олинган араб территорияларида ва Исроилнинг ўзида матбуот ва ахборот эркинлигини бостиришга уринишларига қарши кескин норозилик билдирди. Халқаро журналистлар ташкилотининг Прагада тарқатилган баёнотида, оммавий ахборотнинг демократик воситаларига қарши репрессия босиб олинган территориялардаги аҳолига қарши Исроил армияси бошлаган террорни жамоатчиликдан яширишга қаратилган деб таъкидланади. Ҳужжатда фаластинликларнинг ўз қонуний ҳуқуқлари учун кураши билан, БМТ ҳомийлигида Яқин Шарқдаги можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш борасидаги куч-ғайратлар билан бирдамлик изҳор этилди ва Яқин Шарқ ҳусусида халқаро конференция чақиришгина региондаги хавфли вазиятни бартараф этиш йўлини очади, деб таъкидланди.

* * *

ДЕҲЛИ. АҚШнинг БМТ ҳузуридаги Фаластин озодлик ташкилоти ваколатхонасини ёпиш тўғрисидаги қарори халқаро нормалар ва битимларни ошкора бузишдир. Фаластин озодлик ташкилотининг Ҳиндистондаги вакили Шимле (Жамму ва Кашмир штати) шаҳрида гапириб шундай деди: Қўшма Штатларнинг, гўё Фаластин озодлик ташкилоти ваколатхонаси террорчилик хуружларига дахлдордир, деган баёноти батамом асоссиздир.

* * *

БОНН. Рур областидан келган бир неча минг антифашист, Германия Компартияси, Германия Социал-демократик партияси, немис касаба союз бирлашмаси вакиллари, шунингдек жуда кўп чет эллик меҳмонлар Дортмундда фашист жаллодлар ваҳшийларча қатл этган нацизм бебошлигининг қурбонлари хотирасини ёдлаб ўтказилган анъанавий намойишда иштирок этдилар. Бундан роса 43 йил муқаддам, 1945 йилнинг апрелида, «Учинчи рейх» эгарилиши арафасида эсэсчи жаллодлар гестапо зиндонларидан 220 нафар немис қаршилик ҳаракати иштирокчиларини ҳамда Франция, Бельгия, Совет Иттифоқи, Польша, Югославия ва бошқа мамлакатларнинг антифашистларини олиб чиқиб, уларни Дортмунддаги «Ромбергпарк» паркида отиб ташлаган эдилар. Шундан кейин ҳали кўпчилиги тирик бўлган жабрдийдаларни авиация бомбалари тушганидан кейин ҳосил бўлган чуқурларга ташлаб, улар устидан фашист газандалар тупроқ тортиб юбордилар.

* * *

ХАРАРЕ. ЖАРдан олинаётган хабарларга қараганда, Дурбанда, расмий тақиққа қарамай, бир қанча жамоат ва диний ташкилотларнинг ташаббуси билан ирқчиликка қарши бир неча намойишлар бўлди. Намойишларнинг қатнашчилари Жанубий Африка командосларининг Ботсванд пойтахти — Габоронега яқинда ҳужум қилишганига, маъмурлар апартеидни рад этаётган ташкилотларнинг фаолиятини тақиқлаб қўйишига, шунингдек машҳур «Ньи нейшн» ҳафтаномасининг ёпилишига қарши норозилик билдирдилар.

(ТАСС).

КАРЛУЧЧИ ВИЗИТ БИЛАН ҲИНДИСТОНГА КЕЛДИ

ДЕҲЛИ, 4 апрель. (ТАСС). Бир қанча чет мамлакатларга сафар қилаётган АҚШ мудофаа министри Ф. Карлуччи бугун расмий визит билан Ҳиндистонга келди. Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, у Ҳиндистон расмий кишилари билан музокараларда Жанубий Осиёдаги вазият, Афғонистон атрофидаги аҳвол, шунингдек, Америка—Ҳиндистон муносабатлари масалаларини муҳокама қилади.

АМЕРИКА ҲАРБИЙЛАРИ ПАНАМАДА

ПАНАМА. Америка ҳарбийларининг Панама ерларида бўлишини кенгайтириш борасида Вашингтон қўйган янги қадамлар ҳаммага кенг ошкор бўлди. Маҳаллий матбуотнинг хабарига қараганда, сешанба куни Пентагоннинг Панама каналидаги жанубий қўмондонлиги жойлашган районга яна 1300 Америка ҳарбий хизматчиси етиб келади. Улар билан бирга Панамага 27 та вертолет, «Кобра» типидаги 7 та артиллерия қурилмаси ва 4 та радар қурилмаси келтирилади. Панама матбуотининг фикрига кўра, Америка ҳарбийларининг ҳозир бўлиши доимий кучая бориб, Панамага қўшинлар ва техниканинг олиб келинаётганлиги ана шу мамлакатга бевосита ҳарбий интервенция тайёрлаш мақсадини кўзлайди, деб баҳоланиши мумкин, холос.

ЕРНИ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК

ТОКИО. Японияда ерни қуёш энергияси билан таъминлаб туришга қодир бўлган чоғроқ орбитал электростанция барпо этиш ишлари авж олиб бормоқда. 1990 йилнинг биринчи ярмидаёқ, деб хабар беради бугун «Майнити» газетаси, олиб борилаётган ишланмаларни текшириш учун дастлабки синов йўлдошини учириш планлаштирилмоқда.

Станциянинг оғирлиги жами 8 тоннани ташкил этиши ва у орбитада чамаси 500 километр баландликда ишлаши лозим.

Тўқимачилик саноати — Корея Халқ Демократик Республикаси халқ хўжалигининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири. Кейинги йилларда соҳа корхоналарининг техникавий қудрати ошганлиги туфайли турли хил газмоллар ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш бир неча бор кўпайди.

СУРАТДА: Кэнсон трикотаж фабрикаси цехларидан бирида.

ЦТАК—ТАСС фотоси.

Чуст районидаги «1 Май» колхози деҳқонлари бултур 300 гектар майдонга чигитни румин сеялкаси ёрдамида экишганди. Бу агрегат уруғни аниқ уялаб қадаши, кейинроқ яганалашга эҳтиёж қолдирмаслиги билан пахтакорларга манзур бўлди. Шу боисдан жорий йилда янада кўпроқ майдонга мазкур сеялка билан чигит экиш мўлжалланмоқда. Мавжуд еттита сеялка мавсумга сифатли шайланди.

СУРАТЛАРДА: 1. Бош агроном Сайфулло Абдуллаев (ўнгдан биринчи) механизаторларга сеялкани тушунтираяпти. 2. Агрегатни синаб кўриш пайти.

Н. ШАРИПОВ фотолари.

ДЕҲҚОН ТАОМИЛИ

ЧИГИТ ЭКИЛМОҚДА

Республикамизнинг энг жанубий ўлкаси — Сурхондарё области меҳнаткашлари чигит экишга киришдилар. Жарқўрғон райони механизаторлари 30 га яқин агрегатни далаларга олиб чиқдилар. Бу ердаги қарийб ҳамма пахта даласи тўқимачилар буюртма берган «Термиз-14» ингичка толали нав пахтага ажратилган.

Биринчи кундан бошлабоқ Н. Боймуродов номли колхоз трактурчиси Соат Ашуров механизаторлар мусобақасининг илғорларидан бири бўлди. У Боботог кўриқ массивида ишлаб, кундалик нормани бир ярим баравар ошириб бажарди ва экишни юқори сифатда ўтказди. Бошқа экиш агрегатларининг экипажлари ҳам юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар.

— Юксак суръатлар, — дейди Жарқўрғон район партия комитети биринчи секретари А. Норқобилов, —айниқса ҳозирги кўклам шароитида жуда муҳимдир. Емғирли ва совуқ келган об-ҳаво туфайли биз экишга ўтган йилдагига қараганда тахминан бир ҳафта кечикиб киришдик. Районда экиш кампаниясини 10—12 иш кунида ўтказишга қарор берганмиз. Шу сабабли ишни то қоронғигача давом эттирмоқчимиз. Экиш экипажлари қўшимча механизаторлар билан таъминланган. Улар учун иссиқ овқат уюштирилган. Район хўжаликларидаги мавжуд 200 экиш агрегатининг ҳар биридан энг кўп самара олишни кўзлаб фойдаланмоқчимиз.

* * *

ЎзТАГ мухбирининг бу хабарини Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети пахта ва каноп етиштириш бошқармасининг бошлиғи **Р. Назаров** қуйидагича шарҳлайди:

— Иттифоқаро меҳнат тақсимотида, маълумки, Ўзбекистонга мамлакатнинг асосий пахта базаси роли ажратилган. Ўз масъулиятини тўла-тўкис тушунган ҳолда республика пахтакорлари ана шу асосий экинни экишга яхши тайёргарлик кўрдилар. Ҳамма хўжаликларда техника тўла тахт қилиб қўйилди, уруғликлар, ёнилғи, минерал хом ашё ташиб келтирилди.

Бу йилдан бошлаб пахта етиштириш плани биз учун ярим миллион тоннага қисқартирилди. Бу эса пахта экиладиган майдонларнинг бир қисмини алмашлаб экиладиган ўсимликларга ажратишга имкон яратади. Эндиликда пахта майдонлари 1.970 минг гектарни ташкил қилади. Шу ернинг ўндан бир қисми энг қимматли ингичка толали пахта навига ажратилган.

Пахта майдонларини камайтириш ўрнини деҳқонлар унинг ҳосилдорлигини ошириш билан қоплашлари лозим.

Бу вазифани амалга ошириш учун деҳқонлар кузги-қишки даврда анча-мунча ишлар қилдилар. Қарийб икки ярим миллион гектар майдонда шудгорлаш энг қисқа муддатларда ўтказилди. Ана шу майдонларнинг ярмидан кўпроғи фосфор, калий ва органик ўғитлар билан озиқлантириб чиқилди. Қолган майдонларга ўғитларни экиш олдидан солмоқчимиз.

Баҳорнинг ёмғирли келиши пахтакорларга ўсимликларни табиий намликда ундириб олиш имконини берса-да, бироқ тупроқ қатқалоқланиб қолиши хавфини кўпайтиради. Шу сабабли деҳқонлар асосан чигитни зич уяларга жойлаштириш усулини қўлланадилар. Бу эса ёш ғўза ниҳоллари қатқалоқни осон ёриб чиқишига ёрдам беради. Экин майдонларининг бешдан бир қисмига туксиз уруғлар экилади.

Хўжаликлар раҳбарларининг, агрономлар ва бригада бошлиқларининг тўла мустаҳкамлиги бу йилги экиш кампаниясининг асосий белгиси бўлиб қолди. Республика Агросаноат давлат комитети ҳам, унинг жойлардаги органлари ҳам эндиликда «ернинг хўжайинларига» четдан таъсир кўрсата олмайдилар. Бинобарин, деҳқонлар экишни тупроқ яхши етилганидан кейингина ўтказишлари мумкин. Экишга пухта тайёргарлик кўриш ҳар бир хўжаликка экишни 8—10 иш кунида тамомлаш имконини беради.

Экиш ишларини энг қисқа муддат ичида тугаллаб, пахтакорлар беш йилликнинг учинчи йили ҳосили учун мустаҳкам замин яратадилар.

УРУҒ САРА БЎЛСИН

«ҲАҚИҚАТИ ЎЗБЕКИСТОН», ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ «КОММУНА» ВА «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Фарғона области пахтакорлари бу йил 190.179 гектар майдонда деҳқончилик қилишни мўлжаллашган. Агар гектарига нормадаги уруғлик сарфланса, жами 18.200 тонна чигит керак бўлади. Лекин кўп йиллик тажрибада кузатилган бузиб қайта экиш ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олиниб қарийб 1,5 ҳисса зиёд, яъни 26.400 тонна уруғлик тайёрлаш кўзда тутилган. Область пахта тозалаш корхоналарининг коллективлари шу масъулиятни ҳис этиб, ҳозир ҳар қачонгидан кўра қизғин ишлашяпти. Мавжуд саккизта пахта заводида асосий эътибор деҳқонларга юқори кондицияли, тез унувчан чигит етказиб беришга қаратилганки, бу бўлғуси ҳосилнинг дастлабки муҳим шарти ҳисобланади.

Таомилга кўра уруғлик 20 мартгача хўжаликларга тарқатиш учун тахт қилиниши лозим эди. Биз рейд ўтказган кунгача манзара шундай бўлди: чигитни тозалаш топшириғи 76,80 (ёки 13.986 тоннаси қайта ишланган), дорилаш 44,9 процент бажарилган. Пландаги 800 ўрнига 230 тонна уруғлик туксизлантирилган. Бу борада қолоқликка йўл қўяётган корхоналар ҳам маълум: февраль ойида Олтиариқ, Ўзбекистон, Киров районларидаги, Қўқон-1 ва Қўқон-2 заводларидаги уруғлик тайёрловчилар айниқса ёмон ишлашди.

Хўш, топшириқни белгиланган муддатдан аввалроқ уддалашнинг иложи бормиди?

— Албатта, — дейди область агросаноат комитети уруғчилик бўлимининг бошлиғи У. Аминжонов. — Илгари бу юмушни барвақт бошлардик. Кейинги йилларда бироз кечикаяпти. Бунга сабаб — навларни хўжаликларга тақсимлаш чўзиб юборилмоқда. Республика Агросаноат давлат комитетидан тақсимот тўғрисидаги ҳужжатларни аввалгидек 25 декабрда эмас, ундан бир ой кейин олаяпмиз. Уни ишлаб чиқиб, заводларга, колхоз ва совхозларга етказгунча орадан анча вақт ўтаяпти.

Таъкидлаш керак: бир қанча корхоналарнинг коллективлари яхши ишлашаяпти. Тошлоқ пахта тозалаш заводида бунга ишонч ҳосил қилдик. Мазкур корхона Тошлоқ ва Охунбобоев районлари хўжаликларини экиш материали билан таъминлайди. Коллектив бу вазифани тезроқ, тўла-тўкис бажариш мақсадида астойдил меҳнат қилаяпти. Уруғликни текшириш, унувчанлигини аниқлаш лабораториясида мудир Раиса Амирова бошчилигида лаборантлар айниқса масъулият билан ишлашмоқда.

— Бултур пахта кеч пишгани, об-ҳаво ноқулай келгани чигитга ҳам ўз таъсирини кўрсатди, —деди Р. Амирова. — Айрим уруғчилик хўжаликларидан давлат стандарти талабларига мос келмайдиган ҳосил қабул қилинди. Ўз-ўзидан аёнки, улардан яхши уруғлик тайёрлаб бўлмайди. Шу боисдан чигит навига ва сифатига алоҳида эътибор бераяпмиз. Ходимларимиз ишга жиддий ва ҳушёрлик билан ёндашмоқдалар.

Заводнинг уруғликни дорилаш цехида ҳам меҳнат сурони авжида. Ишчилар ўз вазифаларини пишиқ-пухта бажаришга интилмоқдалар. Мана, улардан бири — Содиқ Ҳайдаров чигитни лентага бир текис ташлаб турибди. Дориланган, бошқа қатор жараёнлардан ўтган уруғлик қопларга жойланмоқда. Бу юмушни Сирожиддин Валиев, Зулфиқор Холбеков, Исроил Шерматов каби ишчилар адо этишаяпти. Сўнгра қопларнинг оғзи тикилиб, уруғ паспорти билан бирга белгиланган жойга ташилмоқда. Ҳар сменада 30 тонна чигит шу тарзда дориланиб, жўнатишга тайёрланаяпти.

Иш намунали ташкил этилган жойда бошқа шарт-шароитлар қандай? Шу саволга жавоб топиш ниятида ишчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун нималар қилингани билан қизиқдик. Афсус, мавжуд аҳволдан жуда ранжидик. Дам олиш, овқатланиш ҳоналари антисанитария ҳолатида... Ювиниш хонаси тартибсиз. Улар талабга сира жавоб бермайди.

Қувадаги КПСС XXV съезди номли пахта тозалаш заводида уруғлик тайёрлаш ишлари билан ҳам танишдик. Корхона коллективи бултургига нисбатан жадал ишлаяпти. Айрим жараёнларнинг автоматлаштирилганлиги бунга имкон бермоқда. Дорилаш цехида Қорабой Мақсудов, Акбар Отабоев, Ғанижон Ҳошимов, Бахтиёр Ғозиев, Ортиқ Баҳриддинов, Қаҳрамон Исоқов, чигитни туксизлантириш цехида Камолиддин Тўрақулов, Иброҳим Юсупов, Мўмин Абдуллаев сингари ишчилар ғайрат кўрсатиб, ўзаро социалистик мусобақада илғорлик қилишаяпти.

Шу билан бирга бу ерда баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Уруғлик яхши сақланмаяпти. Омборлар тўлганлиги сабабли кейинроқ тайёрланаётган чигит завод ҳовлисида, очиқ ерда тўпланмоқда. Сабабини сўраганимизда корхона раҳбарлари хўжаликлар уруғликни ташиб кетишмаётгани, бу ҳақда юқоридан кўрсатма кечикаётганлигини айтишди. Бу, бизнингча, ҳақли эътироз. Чунки фақат мазкур заводда эмас, бошқа жойларда ҳам тайёрланган уруғлик колхоз ва совхозлар ташиб олишмаётганлиги учун омборларга сиғмай қолаяпти.

Область уруғчилик хўжаликларида истиқболли навларни танлаб, жойлаштириш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Область агросаноат комитетининг уруғчилик бўлими мутахассислари бундай колхоз ва совхозларда серҳосил, вилтга чидамли, эртапишар, саноатбоп навларни экишни тавсия этдилар. Толаси олтинчи тип бўлган «АН-60» нави экиладиган майдонлар бу йил 40—55 минг гектар камайтирилди. Шундай уруғлик етиштиришга ихтисослашган Қува районидаги «Коммунизм» колхози «108-Ф», Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли колхоз «АН-13», шунингдек илгари «АН-402» навига мўлжалланган Богдод районидаги «Большевик» колхози «С-6524», Бувайда районидаги Карл Маркс номли колхоз «Қирғизистон-3» нави уруғлигини тайёрлашга ўтказилди. Нега деганда келгусида деҳқонларни маҳаллий шароит учун маъқул бўлган сертола навлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Область пахтакорлари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси бўлиб ўтадиган йилда зиммага юксак мажбуриятлар қабул қилишган. Ваъда вафоси билан қимматли. Юксак марраларни эгаллаш, она-Ватанга юқори сифатли оқ олтин ҳадя этиш кўп жиҳатдан уруғликка, экиш-тикиш ишларини муваффақиятли ўтказишга боғлиқ. Фарғоналиклар буни унутмасликларини истардик.

К. МУҲИДДИНОВ,
«Ҳақиқати Ўзбекистон» мухбири.
И. ҲАСАНОВ,
«Коммуна» мухбири.
А. ТЎХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ҲАММА УЧУН ФОЙДАЛИ

Янгиқўрғон районидаги Киров номли совхозда пахта майдонлари уч баравар қисқартирилди. Эндиликда атиги 500 гектар ерда пахта, қолган майдонларда эса сабзавот етиштирилади. Картошка экиш учунгина салкам 700 гектар ер тайёрлаб қўйилди.

— Табиатнинг ўзи Жанубий Тянь-Шань этакларида сабзавот, айниқса картошка етиштириш учун қулай шароит вужудга келтирган, — дейди хўжаликнинг бош агрономи Х. Сайдалиев. —Илгарилари биздан фақат пахтани талаб қилишарди, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш эса аслида йўққа чиқарилган эди: ўн йиллар давомида картошка етиштириш хусусида тўпланган тажриба унутилаёзди. Ҳолбуки, бизнинг тупроқ-иқлим шароитида ҳам баҳорги, ҳам кузги картошка етиштириш мумкин.

Хўжалик деҳқонлари бу борада ҳақиқатан ҳам катта тажриба тўплаганлар. Ўтган йили бу ерда гектаридан 133 центнер картошка олинди, илғор звеноларда эса ҳосилдорлик 200 центнерга етказилди. Бу кўрсаткич райондаги ўртача ҳосилдорликдан деярли икки баравар кўпдир. Аммо бошқа хўжаликларда ҳам иш чакки эмас — район сабзавоткорлари областда олинган картошка ҳосилининг деярли ярмини етиштириб бердилар. Бу эса шаҳар ва посёлкалар аҳолисини картошка билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Хўжалик фаолияти йўналишининг ўзгартирилиши меҳнаткашлар олдига янги вазифалар қўйди. Йиллар давомида занглаб ётган картошка йиғиштирувчи машина ҳозир ремонт қилинмоқда. Ана шундай агрегатлардан яна бир нечтасини сотиб олиш режалаштирилмоқда. Механизациялашган саралаш пункти ҳозирнинг ўзидаёқ жиҳозлаб қўйилди. Ташкилий структура ҳам қайта кўриб чиқилди — картошка етиштириш учун деярли мингта оилавий звено тузилди.

(ЎзТАГ).

НАВОИЙ ОБЛАСТИНИНГ БИР КУНИ

БАЙРОҚДОРЛАР

Конимех ўрмон хўжалиги ходимлари нейинги йилларда асосий кўрсатгичлар бўйича йиллик планларни муваффақиятли уддалаяптилар. Ҳар йили 15—17 минг гектар ерда сансовулзорлар барпо этилаяпти.

Ўрмончилар бошқа хўжаликларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб беришда ҳам жонбозлик кўрсатишаяпти. Жорий йилда пландаги 600 минг ўринга 650 минг туп ниҳол реализация қилинди. Бу ерда техника кучидан фойдаланиш диққатга сазовор. Шу мавсумдан бошлаб супурги уруғини сепиш механизация зиммасига юклатилди. Илгари бу иш қўлда бажарилар-ди. Натижада анча маблағ сарфланар, маҳсулот таннархи қиммат эди. Бу ҳолга чек қўйилди. Хўжалигида сансовул уруғи қадашни ҳам механизация ёрдамида амалга оширишга мўлжалланаяпти.

Бултур Конимех Ўрмончилари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти билан тақдирланган эдилар. Бу ютуққа Омонгелди Тожибоев, Шайзод Отантоев, Гулзода Бекмуродова сингари ишчилар муносиб ҳисса қўшдилар.

А. РАҲМОНОВ.

НОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Конимех район марказидаги новвойхона ўз маҳсулотлари билан аҳолини ҳушнуд этмоқда. Бу ердан ўн бешга яқин турли хил нон истеъмолчиларга жўнатилмоқда.

Коллектив 1988 йилнинг ўтган икки ойида 200 тонна ўрнига 202 тонна нон ёпиб белгиланган топшириқни оширибгина қолмай, балки 29 йил яшади, холос. Аммо чақмоқдай ёркин ҳаёти ва ижоди билан халқимиз қалбидан мангу жой олди.

Адабиётшунос олимлар ғувоҳлик беришларича, агар лаънати фашизм эрксевар юртимизга қаршн уруш бошламаганида Ҳабиб Юсуфий Садриддин Айний, Абулқосим Лоҳутий, Мирзо Турсунзода сингари тожик адабиёти устунлари сафидан ўрин олган бўларди. Ҳозир ҳам шоир ижоди мактаблар, олий ўқув юртларида ўрганилади, рус ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилинаяпти. Тожикистон ва Ўзбекистондаги мактаблар, кўплаб қишлоқлардаги кўчалар унинг номи билан аталади.

Юсуфийнинг ижодий фаолияти асосан 30-йиллар охирига тўғри келади. У дастлабки шеърлариданоқ она-юрт, гўзал табиат куйчиси сифатида танилди. Сталинободда чоп этилган биринчи тўпламининг «Ватан қўшиқлари» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Кейинги асарларида ҳам Ватан мавзуи шоир ҳаёти ва ижодининг асосини ташкил этди. Юсуфий ижодининг илк дамлариданоқ ўзига хос услуб, бетакрор бўёқлар топа билди. «Узоқ Шарқдан мактуб» ва «Ватан» шеърлари ёш шоир истеъдодининг ёркин намуналаридир.

Юсуфий классик мерос ва замонавий поэзияни қунт билан ўрганди. Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Ҳилолий, Айний, Лоҳутий ижодидан илҳом олди. Ўзбекистон университети (ҳозирги Навоий номли Самарқанд давлат университети)да талабалик йиллари рус классик ва совет адабиёти дурдоналарини катта иштиёқ билан мутолаа қилди, уларни тожик халқи ўртасида кенг ёйишга интилди. Талабчан ижодкорни баъзи таржималар қаноатлантирмасди. Шу боис Пушкин, Лермонтов, Крилов, Одоевский, Маяковский асарларини тожик тилига ўгиришга киришди. Юсуфий шунингдек Шевченко ва Жамбул асарларини ҳам маҳорат билан таржима қилди. Кўпроқ ўқиш, ҳаётни ўрганиш, оз бўлса-да соз ёзиш ёш шоирнинг доимий шиори бўлиб қолди.

Юсуфий ижодининг шаклланишида Лермонтов асарлари катта роль ўйнади. Шоирнинг «Кавказ пейзажи» ва «Қаҳрамон халққа бизнинг саломимизни етказинг» шеърлари мусиқаси, фикрлар ва образларининг ёркинлиги билан Лермонтов шеъриятини эслатади. У улуғ рус шоири ижодий лабораториясини мукаммал ўрганиб, тожик совет шеъриятида ўзига хос мактаб яратда олдики, бу устозни қайтариш эмас, балки янги ижодкор шаклланганидан далолат эди.

Тожик шеъриятидаги анъанавий севги лирикаси ёш шоирни қаноатлантирмасди. Ошиқ образини яратишда унинг ташқи кўриниши билан бирга ички оламини ҳам очиб беришга, инсон асосан меҳнати билан гўзал эканлигини бўрттиришга ҳаракат қилади. Шу маънода «Сенинг таянчинг сенинг ишларингда намоён» шеъри алоҳида эътиборга сазовор. Унда анъанавий ғазал янгича мазмун касб этади.

Шоир ўттизинчи йиллардаёқ ўз шеърларида фашизмни лаънатлади, халқни ҳар қандай душманга қарши доимий шай туришга даъват эта бошлади. Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлари ёзган шеърларида эса жангчиларимизни буюк ғалабага чорлади. «Вақт келди» шеърида бор овози билан халқни гражданлик, ватанпарварлик бурчини адо этишга чақирди:

Замон келди, қаламим менинг,
Бундан буён қиличга айлан.
Қонхўр ёвдан ўч олмоқ учун
Қўшиқларим, қасосга шайлан.
Жаллодларнинг арияи қуриб,
Сув ўрнига оқар қора қон.
Кулбалари ўт ичра қолиб,
Ниятидек бўлажак вайрон.

С. Айний ва А. Лоҳутий асос солган тожик публицистик лирикасини айни шу даврда Юсуфий ҳар томонлама бойитди. Айниқса «Қасос» шеъри ритм ва интонациясининг жўшқинлиги, тили ва образидаги соддалик, ёркинлик, чуқур ички ҳаяжони билан ажралиб туради.

Йўқ!
Қоғозга томган сиёҳмас.
Қалб қони-ла битаман ашъор,
Ёвга бўлган интиқом менда
Ҳеч тугамас, тугамас зинҳор!

«Тарих гувоҳ» шеърида эса яхшиликнинг ёмонлик устидан ҳамиша ғолиб келиши таъкидланади. Унда тарихий фактлар асосида эрксевар халқ ўз озодлиги йўлида ҳар қандай ғовларни сабот ва матонат билан енга олиши маҳорат билан очиб берилган.

Халқ қасоси аланга олган—
Чоғлари кўп, тарихдир гувоҳ,
Ҳурришларинг беҳуда, бенаф,
Сен маҳкумсан ўлимга, гумроҳ!
Тўхтатолмас ҳеч қандайин куч
Халқ отланса, оламан деб ўч!

Фашистлар ҳеч ким ва ҳеч нарсани аямадилар, йўлида кимки кўндаланг турса, ўлим ва қулликка маҳкум этдилар. Ушбу ваҳшийликлар барчаси немис халқи номи билан амалга оширилди. Буни яхши билган Юсуфий немис халқи ким-у фашизм нима эканлигини очиб беришга ҳаракат қилади.

Фюрер ва халқ якдилми? Асло!
Халқ номидан қилган қотиллик,
Халқ номидан қилган разиллик
Унутилмас ҳеч вақт мутлақо!
Машҳур Ҳейне, халқинг номидан
Қирмоқдалар оддий авомни...
Иснодларга булғамоқдалар
Инсон деган муқаддас номни!

Ҳақиқий ватанпарвар ижодкор ҳар бир халқнинг улуғ фарзандларига, марксизм-ленинизм ғояларининг нақадар улуғворлигига, В. И. Ленининг инсоният тарихида ўйнаган буюк ролига алоҳида урғу беради. «Муҳаббат ва табиат» шеърида халқ билан партия бирлиги, марксча-ленинча таълимот қудрати, Ленин даҳосининг мангулиги куйланади.

Агар севги аланга бўлса,
Лениндан у учқун олади.
Чунки Ленин—нурафшон қуёш,
Куёш бўлиб мангу қолади.
Гар ҳақиқат бўлса офтоб,
Ленин сўзи биргина эмас,
Юзлаб офтоб нурин берувчи
Ҳақиқатдир ғоят муқаддас!

1942 йилда Ҳабиб Юсуфий совет халқи ва жангчиларимиз қаҳрамонлигини куйлаш билан қаноатланмасдан фронтга отланди, аскарларимиз билан ёнма-ён-туриб, ҳам қурол, ҳам қалам билан жанг қилди.

Қаламни қўй,
Қўлга қурол ол.
Ёв бошига
Даҳшат, қирон сол! —
Дер дафъатан
Менга ҳур Ватан.

У Совет Армияси офицери, миномётчилар батареясининг командири сифатида ҳамиша қизғин жанглар кетаётган марраларда бўлди. Сўзи билан иши бир жангчи-ижодкорнинг бутун фаолияти душманга қарши қудратли қуролга айланди.

Ёвга шафқат қилмайман, билинг,
Ўзга ўйга бормайман шу дам.
Жангда мени майдонда кўринг,
Қон ва тупроқ ичра қолсам ҳам.

Ҳабиб Юсуфий ижодий мероси ҳажм жиҳатидан унча катта эмас: таржималари билан қўшиб ҳисоблаганда икки жилддан ошмайди. Аммо бадиий жиҳатдан кўп томлик асарларга тенг. Унинг мавзун ҳам рангбаранг: гражданлик, ишқий ва манзаравий лирика, ғазаллар, тўртликлар. Булар истеъдодли ижодкорнинг ҳажми оз, аммо мазмуни бебаҳо асарлари мажмуасидир.

Юсуфий ўз шеърларида умумий мулоҳазалар, эски анъаналарга ўралашиб қолган, новаторликдан йироқ шоирларни коммунист сифатида қаттиқ танқид қилади.

Она-юртга Буюк ғалабадан сўнг Берлин орқали қайтишни орзу қилган ватанпарвар шоир 1945 йилнинг 4 февралида Варшава остоналарида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Унинг жасорати муносиб баҳоланди: шоир «Қизил Юлдуз» ордени ва қатор жанговар медаллар билан тақдирланган.

1986 йилда шоир ижоди юқори баҳоланиб, Н. Островский номли мукофотга лойиқ деб топилди. СССР Мудофаа министрлиги унинг «Ҳаёт ҳақида сўз» тўпламини босиб чиқарди.

Ҳабиб Юсуфий сингари Ватан ва халқ учун бир қўлида қалам, бир қўлида қурол билан жанг қилганлар хотирамизда абадий сақланажак.

Ғ. МАҲМУДОВ,
филология фанлари кандидати.

СОЧ ҲАҚИДА ЁЗАДИЛАР

Абдулла ОРИПОВ:

Дунёда антиқа ҳодисалар мўл,
Лекин-чи, бунчи жа қизиқ бўлпти.
— Сочи узунларда ақл кам эмиш,—
Нодон эр қизишиб шунақа дептн.
Хотинни тушмагур жаҳл устида
Эртасига сочин кесдириб кептн.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА:

Бегим, сизни сочдан сал
камситган-да,
Насиб этган барн аслида бизга.
Бизнинг турмакларну кичрайиб
қолди,
Ҳамон соч битмайди, эҳ, аттанг,
сизга.

Рауф ПАРФИ:

Юрагимда оппоқ ҳаяжон,
Вошда эса қоп-қора ҳижрон.
Турмакланган икки дарёга
Ҳайрон боқар думалоқ мужгон.

Эркин ВОҲИДОВ:

Матмусабой эчкисин
Сартарошга обборди.
Деди: — Сочин обқўйинг,
Келининигиз юборди.

Анвар ОБИДЖОН:

Аё Гулмат, бу не ҳолат, бўлиб
ҳайрона турғаймен,
Силаб бўлмайди сочларни —
бўёқлардин қотиб қолган.

Усмон АЗИМОВ:

Ҳой,
талаба!
Тушунгин, ахир.
Қиз деган ҳам сочсиз бўлама?!
Ҳандалакдай каллангга қара-ёб
Энди шоир кўнгли тўлама?
Бекор қипсан сочни олдириб...

Ўткир САИДОВ:

Соч ҳақида шеър ёзиб
Узин сочи соб бўлди.
Менга маза: бу ҳолат
Пародиябоп бўлди.

Қамбар ЎТАЕВ:

Соч деганни аслида
Арслон осиб юради.
Кокил битса эчкига
Кўзи қандай кўради?
Соч деганни, болалар,
Дуч келганга бермайди.
Чунки баъзи ҳайвонлар
Бошин ювиб турмайди.

БАҲОР ЭДИ

(А. Ориповга ўхшатма)

Баҳор эди, илк баҳор,
Оқшом тушганн дамда —
Ёр-ла этардин сайр
Оромбахш бир гулшанда.
Ёнар эди юзимиз
Висол, ишқ, муҳаббатдан.
Гумбирлаб чақин чақиб
Шамол турди тўсатдан.
Нима дейсиз: баҳор-да!
Ҳавода ҳам гуноҳ йўқ.
Қочай десак, атрофда
Дурустроқ бир паноҳ йўқ.
Ёрим юзин беркитдн
Рўмолчасин ғижимлаб.
Мен қалтираб турардим
Шапкамнн маҳкам ушлаб.
Зўрайиб шамол қурғур
Синдирди гул, олчани.
Бошдан учирнб кетди
Шапкаю рўмолчани.
Ёрим рўмолча ва мен
Шапка қидирнб кетдим.
Емгир еган севгимиз
Гулзорда қолди лекин...

Фармон ТОШЕВ.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА КЎРИНГ

«ВИЖДОНИНГДАН СЎРА»

Сирдарё областидаги «Малик» тажриба хўжалигининг донгдор пахтакори, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Тўхтахон Қирғизбоева ҳақида яратилган ҳамда бугун Марказий телевидениенинг биринчи программаси орқали кўрсатиладиган ҳужжатли фильм ана шундай номланган.

Тўхтахон Қирғизбоева республикамизда жуда машҳур аёл. Унинг тақдири Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган. Тўхтахон онаси — афсонавий Катта Фарғона канали қурилиши иштирокчиси Мастон опа билан бу даштга келганида ҳали қизалоқ эди. Шу ерда ўсиб-улғайди, обрў-эътибор ва бахт топди, одамлар ҳурматига сазовор бўлди. Ундаги ҳалоллик ва бегаразликни айниқса кўпроқ қадрлашади. Қирғизбоева СССР Олий Совети депутати бўлгани, КПСС XXVII съездида делегат сифатида қатнашгани ва ўша йиғинда КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат этиб сайлангани бежиз эмас.

Бор-йўғи йигирма минут давом этадиган ҳужжатли лентада ана шу ниҳоятда камтар, аммо ҳамиша аниқ мақсадга интилиб яшайдиган аёлнинг маънавий дунёси, изланишлари, орзу-умидларини тўла очиб бериш осон бўлмаган, албатта. Бунинг устига совхоз «Ўзбектелефильм»нинг суратга олиш группаси келганида Қирғизбоева... касалхонада эди. Бироқ режиссёр Умар Дўсматов Тўхтахоннинг согайиб чиқишини кутиб ўтирмади. Мана, оператор Қўчқор Каримов камераси шифохона палатасида шитирлай бошлади...

Ҳа, кейинги пайтларда Тўхтахоннинг юраги тез-тез санчиб турибди. Агар виждонан айтиладиган бўлса, уни фақат касалликкина безовта қилаётгани йўқ. Илгари — турғунлик даврида узоқ вақт сукут сақлаб келгани учун қанчалик қийналаётганини бошқалар билишса эди. «Одамлар, тўхтанг, нима қилаяпсиз ўзи? Кимни алдаяпсиз?» — деб баралла айтиши, йўқ, баланд овоз билан қичқириши лозим эмасмиди?!

Эндиликда жим туришни истамайди. Бунга ҳаққи йўқ унинг! Тўхтахон Қирғизбоева Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда бутун Ўзбекистон номидан Кремлнинг юксак минбаридан туриб сўзлагани қонуний бир ҳолдир.

Ўшанда нималар дегани эсингиздами?

— Биз шахсга сиғиниш оқибатлари ва раҳбарларнинг манманлиги, исрофгарчилик, хўжакўрсинлик ва адолатсизликдан Ўзбекистонда анча озор кўрдик. Ҳозир буларни бартараф этиб, ишни қайта қурмоқдамиз. Тўғрисўзлик оддий меҳнаткашларга айниқса маъқул: биз ҳозиргача ёмон ишлаганлигимизнинг боиси шундаки, кўп нарсалар ҳақида рўйрост гапирилмади. Эндиликда эса, биз бошқача яшашга ўрганмоқдамиз.

Нақадар оддий, айни пайтда тушунарли сўзлар. Фильм Қирғизбоева монологи шаклида яратилган бўлиб, у ўзи билан, виждони билан гаплашади. Бўлиб ўтган кўпгина воқеаларда ўзини айблайди ва жазолайди. Бироқ бундан энди фойда йўқлигини яхши билади. Ишлаш керак. Аниқ, ҳақиқий ишлар қилиш лозим. Биз Тўхтахонни партком мажлисида, болалар билан лиқ тўлган қишлоқ стадионида, машиналар сақланадиган ҳовлида, ёшлар— келажагимиз эгалари яйрашаётган оқшомги дискотекада ва, албатта, даласида кўрамиз. Тун қоронғусида эса тинчимас камера унинг ёруғ тушиб турган дераза-сидан мўралайди, онаси, фарзандлари, неваралари билан танишамиз... Хуллас, фильм жонли чиққан.

Монтажчи Турсуной Усмонхўжаева бунинг учун кўп куч-ғайрат сарфлади, бутун маҳоратини ишга солди. Бош ҳаҳрамон монологи самимий, айни пайтда жўшқин чиқиши учун фильм редакторига анчагина тер тўкишга тўғри келди.

Картинанинг қусурлари ҳам йўқ эмас: умумий пландаги воқеалар кўп учрайди, ҳамманинг жонига тегиб кетган қолиплар ҳам бор, баъзи жойларда бош қаҳрамонни идеаллаштиришга уриниш сезилади. Республика телевидениеси орқали бу ҳужжатли фильмни ўзбек тилида кўрганларнинг фикрига қараганда, у анча муваффақиятли чиққан. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да. Картина мавзуи, унинг бош қаҳрамони телеҳужжатчилар хато қилишларига йўл қўймасди.

Бизнинг ҳар биримиз ҳамма вақт ўз виждонимиздан сўрашимиз лозим — бу фикр бутун фильм мобайнида қизил ип мисоли яққол сезилиб туради. Уни сиз **бугун Марказий телевидениенинг биринчи программаси орқали соат 16 дан 40 минут ўтганда (Тошкент вақти билан) томоша қилишингиз мумкин.**

— Фильмимиз хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадиган ҳамма ўртоқлардан миннатдор бўлар эдик, — деди режиссёр Умар Дўсматов.

М. АЛИМОВ.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг хотира китоби

ҲАЛОК БЎЛДИ ШОИР...

У Самарқандда туғилганди. Варшава остоналарига дафн этилди. Комсомол бўлиб жангга отланганди, коммунист сифатида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У бор-йўғи 29 йил яшади, холос. Аммо чақмоқдай ёркин ҳаёти ва ижоди билан халқимиз қалбидан мангу жой олди.

Адабиётшунос олимлар ғувоҳлик беришларича, агар лаънати фашизм эрксевар юртимизга қаршн уруш бошламаганида Ҳабиб Юсуфий Садриддин Айний, Абулқосим Лоҳутий, Мирзо Турсунзода сингари тожик адабиёти устунлари сафидан ўрин олган бўларди. Ҳозир ҳам шоир ижоди мактаблар, олий ўқув юртларида ўрганилади, рус ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилинаяпти. Тожикистон ва Ўзбекистондаги мактаблар, кўплаб қишлоқлардаги кўчалар унинг номи билан аталади.

Юсуфийнинг ижодий фаолияти асосан 30-йиллар охирига тўғри келади. У дастлабки шеърлариданоқ она-юрт, гўзал табиат куйчиси сифатида танилди. Сталинободда чоп этилган биринчи тўпламининг «Ватан қўшиқлари» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Кейинги асарларида ҳам Ватан мавзуи шоир ҳаёти ва ижодининг асосини ташкил этди. Юсуфий ижодининг илк дамлариданоқ ўзига хос услуб, бетакрор бўёқлар топа билди. «Узоқ Шарқдан мактуб» ва «Ватан» шеърлари ёш шоир истеъдодининг ёркин намуналаридир.

Юсуфий классик мерос ва замонавий поэзияни қунт билан ўрганди. Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Ҳилолий, Айний, Лоҳутий ижодидан илҳом олди. Ўзбекистон университети (ҳозирги Навоий номли Самарқанд давлат университети)да талабалик йиллари рус классик ва совет адабиёти дурдоналарини катта иштиёқ билан мутолаа қилди, уларни тожик халқи ўртасида кенг ёйишга интилди. Талабчан ижодкорни баъзи таржималар қаноатлантирмасди. Шу боис Пушкин, Лермонтов, Крилов, Одоевский, Маяковский асарларини тожик тилига ўгиришга киришди. Юсуфий шунингдек Шевченко ва Жамбул асарларини ҳам маҳорат билан таржима қилди. Кўпроқ ўқиш, ҳаётни ўрганиш, оз бўлса-да соз ёзиш ёш шоирнинг доимий шиори бўлиб қолди.

Юсуфий ижодининг шаклланишида Лермонтов асарлари катта роль ўйнади. Шоирнинг «Кавказ пейзажи» ва «Қаҳрамон халққа бизнинг саломимизни етказинг» шеърлари мусиқаси, фикрлар ва образларининг ёркинлиги билан Лермонтов шеъриятини эслатади. У улуғ рус шоири ижодий лабораториясини мукаммал ўрганиб, тожик совет шеъриятида ўзига хос мактаб яратда олдики, бу устозни қайтариш эмас, балки янги ижодкор шаклланганидан далолат эди.

Тожик шеъриятидаги анъанавий севги лирикаси ёш шоирни қаноатлантирмасди. Ошиқ образини яратишда унинг ташқи кўриниши билан бирга ички оламини ҳам очиб беришга, инсон асосан меҳнати билан гўзал эканлигини бўрттиришга ҳаракат қилади. Шу маънода «Сенинг таянчинг сенинг ишларингда намоён» шеъри алоҳида эътиборга сазовор. Унда анъанавий ғазал янгича мазмун касб этади.

Шоир ўттизинчи йиллардаёқ ўз шеърларида фашизмни лаънатлади, халқни ҳар қандай душманга қарши доимий шай туришга даъват эта бошлади. Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлари ёзган шеърларида эса жангчиларимизни буюк ғалабага чорлади. «Вақт келди» шеърида бор овози билан халқни гражданлик, ватанпарварлик бурчини адо этишга чақирди:

Замон келди, қаламим менинг,
Бундан буён қиличга айлан.
Қонхўр ёвдан ўч олмоқ учун
Қўшиқларим, қасосга шайлан.
Жаллодларнинг арияи қуриб,
Сув ўрнига оқар қора қон.
Кулбалари ўт ичра қолиб,
Ниятидек бўлажак вайрон.

С. Айний ва А. Лоҳутий асос солган тожик публицистик лирикасини айни шу даврда Юсуфий ҳар томонлама бойитди. Айниқса «Қасос» шеъри ритм ва интонациясининг жўшқинлиги, тили ва образидаги соддалик, ёркинлик, чуқур ички ҳаяжони билан ажралиб туради.

Йўқ!
Қоғозга томган сиёҳмас.
Қалб қони-ла битаман ашъор,
Ёвга бўлган интиқом менда
Ҳеч тугамас, тугамас зинҳор!

«Тарих гувоҳ» шеърида эса яхшиликнинг ёмонлик устидан ҳамиша ғолиб келиши таъкидланади. Унда тарихий фактлар асосида эрксевар халқ ўз озодлиги йўлида ҳар қандай ғовларни сабот ва матонат билан енга олиши маҳорат билан очиб берилган.

Халқ қасоси аланга олган—
Чоғлари кўп, тарихдир гувоҳ,
Ҳурришларинг беҳуда, бенаф,
Сен маҳкумсан ўлимга, гумроҳ!
Тўхтатолмас ҳеч қандайин куч
Халқ отланса, оламан деб ўч!

Фашистлар ҳеч ким ва ҳеч нарсани аямадилар, йўлида кимки кўндаланг турса, ўлим ва қулликка маҳкум этдилар. Ушбу ваҳшийликлар барчаси немис халқи номи билан амалга оширилди. Буни яхши билган Юсуфий немис халқи ким-у фашизм нима эканлигини очиб беришга ҳаракат қилади.

Фюрер ва халқ якдилми? Асло!
Халқ номидан қилган қотиллик,
Халқ номидан қилган разиллик
Унутилмас ҳеч вақт мутлақо!
Машҳур Ҳейне, халқинг номидан
Қирмоқдалар оддий авомни...
Иснодларга булғамоқдалар
Инсон деган муқаддас номни!

Ҳақиқий ватанпарвар ижодкор ҳар бир халқнинг улуғ фарзандларига, марксизм-ленинизм ғояларининг нақадар улуғворлигига, В. И. Ленининг инсоният тарихида ўйнаган буюк ролига алоҳида урғу беради. «Муҳаббат ва табиат» шеърида халқ билан партия бирлиги, марксча-ленинча таълимот қудрати, Ленин даҳосининг мангулиги куйланади.

Агар севги аланга бўлса,
Лениндан у учқун олади.
Чунки Ленин—нурафшон қуёш,
Куёш бўлиб мангу қолади.
Гар ҳақиқат бўлса офтоб,
Ленин сўзи биргина эмас,
Юзлаб офтоб нурин берувчи
Ҳақиқатдир ғоят муқаддас!

1942 йилда Ҳабиб Юсуфий совет халқи ва жангчиларимиз қаҳрамонлигини куйлаш билан қаноатланмасдан фронтга отланди, аскарларимиз билан ёнма-ён-туриб, ҳам қурол, ҳам қалам билан жанг қилди.

Қаламни қўй,
Қўлга қурол ол.
Ёв бошига
Даҳшат, қирон сол! —
Дер дафъатан
Менга ҳур Ватан.

У Совет Армияси офицери, миномётчилар батареясининг командири сифатида ҳамиша қизғин жанглар кетаётган марраларда бўлди. Сўзи билан иши бир жангчи-ижодкорнинг бутун фаолияти душманга қарши қудратли қуролга айланди.

Ёвга шафқат қилмайман, билинг,
Ўзга ўйга бормайман шу дам.
Жангда мени майдонда кўринг,
Қон ва тупроқ ичра қолсам ҳам.

Ҳабиб Юсуфий ижодий мероси ҳажм жиҳатидан унча катта эмас: таржималари билан қўшиб ҳисоблаганда икки жилддан ошмайди. Аммо бадиий жиҳатдан кўп томлик асарларга тенг. Унинг мавзун ҳам рангбаранг: гражданлик, ишқий ва манзаравий лирика, ғазаллар, тўртликлар. Булар истеъдодли ижодкорнинг ҳажми оз, аммо мазмуни бебаҳо асарлари мажмуасидир.

Юсуфий ўз шеърларида умумий мулоҳазалар, эски анъаналарга ўралашиб қолган, новаторликдан йироқ шоирларни коммунист сифатида қаттиқ танқид қилади.

Она-юртга Буюк ғалабадан сўнг Берлин орқали қайтишни орзу қилган ватанпарвар шоир 1945 йилнинг 4 февралида Варшава остоналарида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Унинг жасорати муносиб баҳоланди: шоир «Қизил Юлдуз» ордени ва қатор жанговар медаллар билан тақдирланган.

1986 йилда шоир ижоди юқори баҳоланиб, Н. Островский номли мукофотга лойиқ деб топилди. СССР Мудофаа министрлиги унинг «Ҳаёт ҳақида сўз» тўпламини босиб чиқарди.

Ҳабиб Юсуфий сингари Ватан ва халқ учун бир қўлида қалам, бир қўлида қурол билан жанг қилганлар хотирамизда абадий сақланажак.

Ғ. МАҲМУДОВ,
филология фанлари кандидати.

«Спорт хабарлари»

ФУТБОЛ

Ғарбий Берлинда дунёнинг тўрт кучли командаси ўртасида ўтказилган халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда СССР, ГФР, Швеция ва жаҳон чемпиони — Аргентина терма командалари иштирок этишди.

Футболчиларимиз дастлаб машҳур Диего Марадона бошчилигидаги Лотин Америкасидан келган чипор тўп усталари билан учрашиб, 4:2 ҳисобида ғалаба қозондилар. Иккинчи матч эса ГФР ва Швеция терма командалари ўртасида ўтказилди. Унда омад шведлар томонида бўлди. Натижада СССР ва Швеция футболчилари ҳал қилувчи финал баҳсида учрашдилар. Бу сафар мамлакатимиз вакилларининг омади келмади. Жавобсиз иккита тўп киритган Швеция терма командаси бош совринни қўлга киритди. Футболчиларимиз эса иккинчи ўринни эгалладилар.

ГФР ва Аргентина командалари эса учинчи ўрин учун курашдилар. Ўйин тақдирини ягона тўп ҳал этди. Уни немис футболчилари киритдилар. Натижада улар учинчи ўринни олишди. Бирорта ҳам ўйинни ютолмаган Аргентина командаси эса охирги ўринни банд этди.

* * *

СССР терма командаси халқаро мусобақада қатнашиши муносабати билан мамлакат чемпионатида қисқа муддатли танаффус эълон қилинди. Бундан фойдаланган олий лига коллективлари Футбол федерацияси кубоги учун курашни давом эттирдилар. Шанба ва якшанба куни бўлиб ўтган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Минск)— 0:2, «Торпедо» (Москва) — «Локомотив» — 1:0, «Жальгирис» — «Зенит» — 2:0, «Динамо» (Тбилиси) — «Қайрат» — 0:0, «Спартак» — «Динамо» (Москва) — 1:1, «Металлист» — «Днепр» — 2:0.

ШАХМАТ

Брюсселда шахмат бўйича жаҳон кубоги учун биринчи босқич мусобақалари бошланди. Ер куррасининг турли мамлакатларидан келган кучли гроссмейстерлар ғолиблик учун беллашаяптилар. Улар орасида собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карпов, Андрей Соколов, Рафаэль Ваганян, Александр Белявский, югослав Любомир Любоевич, швец Ульф Андерсон, АҚШлик Ясер Сейраван, голланд Ян Тимман, венгер Лайош Портиш каби таниқли шахматчилар бор.

Ҳозиргача халқаро мусобақада уч тур ўтказилди, иккитадан очко тўпланган Анатолий Карпов билан Любомир Любоевич олдинга чиқиб олдилар.

ВЕЛОПОЙГА

Маълумки, уч социалистик мамлакат — ЧССР, ГДР ва Польша бўйлаб Тинчлик пойгасини ўтказиш анъанага айланган. Энг оммавий бу мусобақада совет спортчилари ҳар йили мунтазам қатнашиб, юксак ўринларни эгаллашади.

Бу йил Тинчлик пойгасида совет командаси шарафини қайси велосипедчилар ҳимоя қилишади? Сочида «Черноморская здравница» газетаси совринн учун ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақаси бу саволга жавоб берди. Мазкур велопойга натижаларига қараб олти кучли спортчи аниқланди. Шуниси қувончлики, тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов ҳам улар қаторидан ўрин олди.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПОЧТА ОРҚАЛИ

1976 ЙИЛДАН 1982 ЙИЛГАЧА ЧЕХОСЛОВАКИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН 472,3; 472,4; 472,5 ЯВА-350Ч3 МОДЕЛЛАРИДАГИ МОТОЦИКЛЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«РОСПОСИЛТОРГ»НИНГ МОСКВАДАГИ МАРКАЗИЙ САВДО БАЗАСИ
буюртмалар бўйича
ҚУЙИДАГИ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ ЖЎНАТАДИ

Тезликни ўзгартувчи вал — 5 сўм.
Вкладиши билан сцепления диски — 1 сўм.
Нормал поршень ҳалқаси — 60 тийин.
Цилиндр тагига қўйиладиган прокладка — 50 тийин.
Генератор статори — 33 сўм.
Генератор якори — 15 сўм.
Генератор кулачоги — 1 сўм.
БУЮРТМАЛАР 1988 ЙИЛ 1 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЭСЛАТМА. Чехословакия фирмаси юқорида кўрсатилган моделлардаги мотоцикларга эҳтиёт қисмлар етказиб беришни тўхтатганлиги муносабати билан, база уларни ҳозир мавжуд бўлган қолдиқлар ҳисобидан жўнатади.

Харидорларнинг буюртмаларига кўра база эҳтиёт қисмларни устама ҳақ тўлаш йўли билан жўнатади (Ҳақ посилкаларни олиш вақтида почтага тўланади).

Буюртмаларни қуйидаги адресга жўнатинг:
111126, Москва шаҳри, Авиамотор кўчаси, 50-уй.
«РОСПОСИЛТОРГ»НИНГ МАРКАЗИЙ САВДО БАЗАСИ.

НИКОҲ СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАСИ — ЁШ ОИЛАГА МАДАД БЕРАДИ

Ўз вақтида никоҳ шодиёнаси страховаииеси юзасидан шартнома тузиб қўйсангиз, янги оилани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун асос бўладиган каттагина маблағни ёш келин-куёвга ҳадя эта оласиз.

Бундай шартномани бола туғилган кундан бошлаб то 15 ёшга тўлгунича унинг ота-оналари ва яқин қариндошлари тузишлари мумкин.

Страхование пули йигит ва қизга, у расмий никоҳдан ўтганда, ёки 21 ёшга етганда тўланади — бу ҳолда страхование суммаси 9 процентга ортади. Шунингдек, 18 ва 21 ёш орасида никоҳдан ўтадиган ёшларга ҳам страхование муддати тугаган кундан бошлаб ўтган ҳар бир тўлиқ ой учун страхование суммасига 0,25 процент қўшиб тўланади.

Агар шартнома «С-2» ёки «С-3» тарифи бўйича тузилган бўлса, страхование қилинган шахснинг меҳнат қобилияти тўла ёки қисман йўқотилган ҳолларда мувофиқ равишда икки ёки уч баравар ортиқ миқдорда страхование пули тўланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШ БОШҚАРМАСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42. Деҳқончилик бўлими —33-54-33, 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36,